



САВДО-ИҚТИСОДИЙ СОҲАДА ИСТИҚБОЛЛИ ЛОЙИҲАЛАР ҚўЛЛАБ-ҚУВВАТЛАНДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев шу кунларда Тошкент шаҳрида ўтаётган “ИННОПРОМ. Марказий Осиё” халқаро саноат кўргазмасида Россия делегациясига бошчилик қилаётган Россия Федерацияси Ҳукумати Раисининг биринчи ўринбосари Денис Мантуровни қабул қилди.



Учрашувда Татаристон, Бошқирдистон Республикалари, Ленинград, Киров, Иркутск ва Омск вилоятлари, шунингдек, Россиянинг бир қатор етакчи компаниялари раҳбарлари ҳам иштирок этди.

Суҳбат аввалида юқори мартабали меҳмон мамлакатимиз етакчисига Россия Федерацияси Президенти Владимир Путиннинг салом ва энг эзгу тилакларини етказди.

Ўзбекистон Президенти 35 мамлакатдан 10 мингдан зиёд бизнес вакиллари иштирокида олтинчи “ИННОПРОМ” кўргазмаси муваффақиятли ташкил этилгани ва ўтказилганлигини олқишлади.

Олий даражада, энг аввало, савдо-иқтисодий соҳада эришилган келишувларни

амалга ошириш масалалари қўриб чиқилди.

Савдо ҳажми барқарор ўсиб бораётгани, саноат, тинч атом, энергетика, транспорт, металлургия, кимё ва бошқа тармоқлардаги лойиҳалар муваффақиятли амалга оширилаётгани мамнуният билан қайд этилди.

Товар айирбошлаш суръатини сақлаб қолиш ва устувор тармоқларда, шу жумладан, саноат зоналари доирасида кооперация лойиҳаларини жаддалаштириш бўйича ўзаро мувофиқлаштирилган чора-тадбирларни қабул қилиш, ҳудудлар ва тадбиркорлар даражасидаги фаол алоқаларни давом эттириш муҳимлиги таъкидланди.

Қишлоқ хўжалиги машинасозлиги, энергия самардорлиги, сув хўжалиги, киберхавфсизлик ва сунъий интеллект каби истиқболли йўналишлардаги режалар қўллаб-қувватланди.

Техника йўналишидаги қўшма олийгоҳлар негизда иқтисодийнинг муҳим тармоқлари учун муҳандис кадрлар тайёрлашга алоҳида эътибор қаратилди.

Шунингдек, учрашувда Россия ҳудудлари ва компаниялари раҳбарлари мамлакатимиз етакчисига турли тармоқларда янги лойиҳаларни амалга ошириш бўйича аниқ режаларини тақдимот қилди.

ЎЗА

“ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН ЁШЛАРИ — 2030” СТРАТЕГИЯСИ САМАРАЛИ АМАЛГА ОШИРИЛИШИ БЕЛГИЛАНДИ

Президент Шавкат Мирзиёев 20 апрель куни “Янги Ўзбекистон ёшлари — 2030” стратегияси лойиҳаси юзасидан тақдимот билан танишди.

Бу мамлакатимизда ёшларга оид қабул қилинаётган биринчи яхлит стратегия бўлиб, Янги Ўзбекистонни барпо этишда ёшларнинг ўрни ва салоҳиятини янада тўлиқ рўёбга чиқаришга қаратилган.

Бугунги кунда юртимиз аҳолиси 38 миллион нафарни ташкил этаётган бўлса, шундан 9,5 миллиони ёш қарийб 25 фоизи 14-30 ёшдаги йигит-қизлардир. Ҳар йили 270 мингга ёш оила шаклланади. Ана шу демографик омил ёшлар сиёсатига узоқ мuddатли ва тизимли ёндашувни талаб этмоқда.

Стратегияда ёшлар бандлигини таъминлаш ва тадбиркорлигини қўллаб-қувватлаш, сифатли ва инклюзив таълимни

ривожлантириш, хорижий тилларни омалаштириш ва касбий таълимни кенгайтириш, меҳнат бозорини рағбатлантириш ҳамда ёш оилаларни қўллаб-қувватлаш, маданий, жисмоний ва маърифий ривожланишни кучайтириш, волонтерлик ҳаракатини кенг ёйиш, ёшлар саломатлигини мустаҳкамлаш, шунингдек, очиклик ва иштирок механизmlарини кенгайтириш каби устувор йўналишлар белгиланган.

Тақдимотда 2030 йилга қадар эришилиши лозим бўлган асосий мақсадли кўрсаткичлар қўриб чиқилди. Хусусан, ҳар йили 600 минг нафар ёшнинг бандлигини таъминлаш, 2030 йилга қадар 900 минг ёшни волонтерликка жалб этиш,

ўқув марказлари сонини 90 мингга етказиш, 450 минг нафар ёшнинг хорижий тиллар бўйича билимини В2 даражасига олиб чиқиш, ёшлар жиноятчилигини камайтириш, ҳар йили камида 10 мингга ёш оилани ипотека орқали қўллаб-қувватлаш каби вазифалар назарда тутилган. Ўзбекистон соҳасида ёшларнинг сифатли билим олиши, нодавлат таълим хизматларини қўллаб-қувватлаш, чекка ҳудудларда ўқув марказлари имкониятларини кенгайтириш, хорижий тилларни ўрганишни рағбатлантириш бўйича янги имтиёзлар назарда тутилган.

▶ Давоми 2-бетда

ТАШҚИ МЕҲНАТ МИГРАЦИЯСИ БОЗОРИ ГЕОГРАФИЯСИ КЕНГАЙТИРИЛАДИ

Президент Шавкат Мирзиёев ташқи меҳнат миграциясини тартибли ташкил этиш, фуқароларни хориждаги юқори даромадли иш ўринларига тайёрлаш ва уларни ҳар томонлама ҳимоя қилишга қаратилган чора-тадбирлар юзасидан тақдимот билан танишди.

Бугунги кунда 40 га яқин хорижий давлатда 1,2 миллион нафар фуқароларимиз меҳнат қилмоқда. Европа ва Шарқий Осиёнинг ривожланган давлатларида малакали ишчи кучига эҳтиёж йилдан йилга ортиб бормоқда. Қолаверса, Европа комиссиясининг 2030 йилга бўлган янги миграция стратегиясида Марказий Осиё билан миграция дастурлари, кадрлар тайёрлаш ва ноқонуний миграциянинг олдини олишга алоҳида урғу берилган.

Шу боис, ташқи меҳнат миграцияси бозори географиясини кенгайтириш, айниқса, юқори даромадли меҳнат бозорларига қиқши устувор вазифа сифатида белгиланган.

Бугунги кунда хориждан тил ва касб талабларига жавоб берадиган 100 мингдан ортиқ малакали мутахассисга буюртмалар келиб тушган. Жумладан, Германияга 40 минг ҳамшира, Японияга 15 минг куриши, логистика ва сервис соҳалари мутахассислари зарур.

Мазкур эҳтиёжни қоплашда Германия, Корея ва Япония компаниялари билан техникумлар негизда ташкил этилган қўшма таълим бўйича билимини В2 даражасига олиб чиқиш, хорижий компаниялар билан ташкил этилган 12 та “Касб плюс тил” таълимий асосида қўшма таълим лойиҳаларида 8,5 минг фуқаро ўқимоқда. Уларнинг 3 минг битирувчиси аллақачон ишга жойлашди.

▶ Давоми 2-бетда

“ЖАМОАТ САЛОМАТЛИГИ ВА ХАВФСИЗЛИгини ТАЪМИНЛАШ МАҚСАДИДА ТРАНСМИЛЛИЙ НАРКОТАҲДИДЛАРГА ҚАРШИ КУРАШИШ” МАВЗУСИДАГИ ХАЛҚАРО ФОРУМ ИШТИРОКЧИЛАРИГА

Ассалому алайкум, ҳурматли форум иштирокчилари!

Муҳтарам меҳмонлар! Хонимлар ва жаноблар!

Сизларни Жамоат саломатлиги ва хавфсизлигини таъминлаш мақсадида трансмилий наркотаҳдидларга қарши курашиш форумида самимий қутлашдан мамнунман.

Кўҳна ва навқирон Самарқанд шаҳрига хуш келибсиз!

Фурсатдан фойдаланиб, бугунги анжуманда иштирок этаётган Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Наркотиклар ва жиноятчилик бўйича бошқармаси ижрочи директори ўринбосари Бо Матиссен жанобларига, Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти Бош директори Тедрос Адханом Гебрейесус жанобларига, Халқаро наркотикларни назорат қилиш қўмитаси Бош котиби Стефано Бергерме жанобларига, халқаро ва минтақавий ташкилотлар раҳбарларига, хорижий ҳукуматлар аъзоларига, хорижий давлатларнинг муҳтарам элчиларига, шунингдек, барча меҳмонларимизга ўзининг миннатдорлигини билдираман.

Қадрли тадбир иштирокчилари! Бугунги таҳликали замонда дунё ҳамжамиятининг янада қатъият билан биргаликда ҳаракат қилиши ҳар қачонгидан ҳам долзарб бўлиб бормоқда.

Кун сайин уюшган жиноятчилик, гиёҳванд моддаларни ишлаб чиқариш ва тарқатишнинг янги шакллари пайдо бўлаётгани инсоният учун трансмилий таҳдидлар қўламини кенгайтирмоқда.

Бу жараёнлар нафақат мамлакатлар хавфсизлигига, балки энг қимматли бўлган инсон ҳаёти ва саломатлиги, одамларнинг келажигига салбий таъсир кўрсатмай қолмайди.

Бугун наркотиклар савдоси трансгегаравий ва виртуал характерга эга бўлиб бораётгани хавф-хатарларни янада кучайтирмоқда. Айниқса, жиний гуруҳларнинг шифрланган алоқа каналлари, контактсиз мулоқот ва мураккаб молиявий воситалардан фойдаланётгани наркотикларга қарши курашишда биздан замонавий ечим ва ёндашувларни талаб қилмоқда.

Бугун аҳоли, айниқса, ёшлар орасида янги синтетик наркотиклар, психотроп ва кучли таъсир қилувчи моддалар кен тарқалётгани ҳам барчамизни чуқур ташвишга солиши табиий.

Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг маълумотига кўра, дунёда 300 миллиондан ортиқ одам гиёҳванд моддалар таъсирига тушиб қолган. Ҳар йили 600 мингга яқин инсон ушбу иллатнинг қурбонига айланмоқда.

Бугунги глобллашув шароитида бундай хавф-хатар барча давлатлар қаторида Ўзбекистонни ҳам четлаб ўтаётгани йўқ.

Шу боис, Ўзбекистонда гиёҳвандлик ва наркожиноятларга қарши курашиш масаласини умуммиллий ҳаракатга айлантириб, барча куч ва воситаларни сафарбар қилишимиз.

Сўнгги йилларда соҳада идоралараро ҳамкорликни мустаҳкамлаш, профилактика механизмларини ривожлантиришга қаратилган 20 дан ортиқ қону ҳужжатлари қабул қилинди. Айниқса, 2024 йилда наркотикларга қарши курашиш бўйича миллий стратегия қабул қилинган бу борадаги энг катта қадам бўлди.

Бундай саъй-ҳаракатларимиз ҳисобига сўнгги йилларда наркотикларнинг ноқонуний айланмаси билан боғлиқ жиноятларни аниқлаш қўрсаткичи 2,5 баробар ошди, мусодара қилинган гиёҳвандлик воситалари 2 баробар, йўқ қилинган синтетик наркотиклар 7 баробар кўнайди.

Биргина ўтган йилнинг ўзида ҳуқуқ-тартибот идоралари томонидан 15 мингдан зиёд наркожиноят фош этилди, қарийб 3,5 тонна гиёҳвандлик воситалари, жумладан, 120 килограмм синтетик наркотиклар йўқ қилинди, 14 та яширин нарколаборатория ва 72 та йирик интернет дўкони фаолиятга чек қўйилди.

Айни пайтда шунини айтиш керакки, бундай жиноятларнинг учдан бири ёшлар томонидан содир этилаётгани, асосий хавф гуруҳини 15 ёшдан 30 ёшгача бўлганлар ташкил қилаётгани бу иллатнинг аҳоли генотипига нақадар катта таҳдид эканлигини кўрсатиб турибди.

Халқимизда “Бир бола йўлдан чиқса — жамият издан чиқади”, деган ҳикматли гап бор. Шу маънода, бир фарзанднинг гиёҳвандлик тузогига тушиб қолиши, бу нафақат унинг оиласи, яқинлари, балки бутун бир маҳалла учун фожиа.

Шунинг учун Ўзбекистонда бунинг оқибатлари билан курашишга қўлмай, ёшларимизнинг гиёҳвандлик чангалига тушиб қолишининг олдини олиш бўйича катта тарғибот кампаниясини бошлаганмиз.

Бу ишларда фахрийларимиз, нуруний отахон ва онахонларимиз, маҳаллада обрў-эътибор қозонган фаоллар, жамоатчилик вакиллари бош-қош бўлаётгани ўзининг натижасини бермоқда.

Биз буни изчил давом эттириб, оила, маҳалла, мактаб, техникум, олийгоҳларнинг ўрни ва ролини янада кучайтириш бўйича алоҳида дастурларни амалга оширяймиз.

Асосий ниятимиз — ёшларимизни бундай хатарлардан асраш, уларни илм, билим ва эзгу мақсад сари йўналтиришдир.

Яқинда ташкил этилган “Анти-Нарко” волонтерлик ҳаракати қисқа вақт ичида 17 мингдан ортиқ ёшларни бирлаштирди. Барча ҳудудларда сунъий интеллект ёрдамида наркотиклар тарқалишининг олдини олишга қаратилган “AI Hackathon” миллий лойиҳасини бошладик.

Ҳеч шубҳасиз, бу ишларимиз ёшларда гиёҳванд моддалар истеъмолига қарши мустаҳкам иммунитет, наркожиноятларга нисбатан муросасиз муҳит яратишга хизмат қилади.

Ўтган йили мамлакатимиз Осиё давлатлари орасида биринчилар қаторида Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Наркотиклар ва жиноятчилик бўйича бошқармасининг SHAMPS ташаббусига қўшилди. Ушбу дастур воғда етмаганлар ўртасида соғлом турмуш тарзини омалаштириш ва наркотикларга қарши янада самарали курашишда катта ёрдам бермоқда.

Ҳурматли йигиллиш қатнашчилари! Гиёҳвандликка қарши кураш — бу фақат бир давлатнинг эмас, балки бутун инсониятнинг умумий масъулияти ва мажбуриятидир.

Ўзбекистон наркотикларга қарши курашиш борасида 50 дан ортиқ давлат ва нуфузли халқаро ташкилотлар билан яқиндан ҳамкорлик қилиб келмоқда.

Биз бу алоқаларни минтақавий ва халқаро хавфсизлигини таъминлаш ҳамда халқлар ўртасидаги ишончни янада мустаҳкамлашга қаратилган муҳим кўприк деб биламиз.

Ҳозирги кунда наркотиклар савдоси замонавий технологиялар, ноқонуний молиявий оқимлар, трансмилий уюшган жиноятчилик тармоқлари билан чуқур боғлиқ кетганини яна бир бор таъкидламоқчиман.

Бу хавфларга қарши курашиш, наркожиноятларнинг олдини олиш бўйича қўйидаги ташаббусларни илгари сурамиз.

Биринчидан, трансмилий наркожиноятларга қарши курашишда тезкор ахборот алмашинуви ҳал қилувчи аҳамиятга эга.

Шу боис, барча иштирокчи давлатлар ҳуқуқ-тартибот идоралари маълумотлар базасини бирлаштирадиган, сунъий интеллект ёрдамида ишлайдиган ягона рақамли платформани янада кучайтиришга ҳаракат қилишимиз.

Бу платформа наркотиклар йўналишларини барвақт аниқлаш, хавфли юклар ҳаракатини эрта босқичда фош этиш, трансмилий жиний гуруҳлар фаолиятини реал вақт режимида кузатиб боришга хизмат қилиши керак.

Иккинчидан, наркобизнес бу фақат гиёҳванд моддалар айланмаси эмас, бу — миллиардлаб долларлик яширин иқтисодий,

уюшган жиноятчилик ва терроризмни молиялаштирадиган манба ҳамдир.

Жиний маблағларни юшишнинг энг катта қисми бугун айнан рақамли активлар ва оффшор ҳудудлар орқали амалга оширилмоқда.

Наркобизнесни қурол билан эмас, пулсиз қолдириш орқали енгиш мумкин. Агар биз унинг “молиявий артерия”ларини бўғиб қўйсак, бу иллат ўз-ўзидан йўқолади.

Шунинг учун крипто-биржалар учун мажбурий идентификация стандартларини глобал даражада бирхиллаштириш, оффшор юрисдикциялар билан маълумот алмашинуви бўйича мажбурий келишувлар, “номълум манба” маблағларини автоматик блок-лаш механизмларини жорий этиш зарур.

Шунингдек, ноқонуний маблағлар ҳаракатини дунё бўйлаб автоматик аниқлайдиган, уни қабул қилган банк ёки молиявий ташкилотни дарҳол хавф тоифасига киритадиган “халқаро рақамли қора код” тизимини жорий қилишни таклиф этаман.

Учинчидан, қўриб турибсизлар, кундан-кунга синтетик наркотикларнинг янги-янги турлари пайдо бўлмоқда.

Шу боис, доимий мулоқот майдонини ишга тушириб, синтетик наркотикларга ружу қўйган беморларни самарали даволаш бўйича замонавий методика ва стандартларни биргаликда яратиб боришни таклиф қиламиз.

Тўртинчидан, гиёҳвандликка чалинганларнинг тиббий реабилитацияси бўйича тажриба алмашиш мақсадида Марказий Осиё Наркологлар ассоциациясини ташкил қилсақ, ўйламанки, қўллаб-қувватлайсиз.

Ушбу ташкилотнинг Бош офисини Самарқанд шаҳрида жойлаштиришга тайёрмиз. **Бешинчидан**, бугун айрим ҳудудларда наркотик етиштириш ва тарқатиш иқтисодий имкониятлар чеклангани, иш ўринлари етишмаслиги ва ижтимоий тенгсизлик оқибатида сақланиб қолмоқда.

Шу боис, наркотиклар хавфи юқори бўлган ҳудудлар учун “махсус ривожланиш дастури”ни ишлаб чиқишни таклиф этамиз.

Бунда гиёҳванд моддалар етиштиришга мойил ҳудудлардаги расмий иқтисодиётга фаол инвестициялар киритиш орқали аҳоли учун барқарор даромад манбаларини яратиш, инфратузилмани яхшилаш, таълим ва тиббийнинг ривожлантириш орқали аҳолининг жиний иқтисодиётга қарамлигини камайтириш бўйича комплекс чоралар ишлаб чиқиш мақсадида мувофиқ.

Бундай дастур фақат грант ёки ёрдам эмас, балки халқаро ҳамжамиятнинг умумий масъулияти сифатида қўрилиши керак.

Ҳурматли дўстлар! Бугунги тадбиримизда ҳамкор давлатлар ва нуфузли халқаро ташкилотлардан 500 нафарга яқин иштирокчи қатнашмоқда.

Мазкур анжуманда илгари суриладиган таклиф ва ташаббуслар инсониятга, миллатлар генотипига таҳдид солаётган наркотиклар муаммосига қарши бирлашиш йўлида янги қадам бўлади.

Бугунги тадбиримизда ҳамкор давлатлар ва нуфузли халқаро ташкилотлардан 500 нафарга яқин иштирокчи қатнашмоқда.

Мазкур анжуманда илгари суриладиган таклиф ва ташаббуслар инсониятга, миллатлар генотипига таҳдид солаётган наркотиклар муаммосига қарши бирлашиш йўлида янги қадам бўлади.

Бунда гиёҳванд моддалар етиштиришга мойил ҳудудлардаги расмий иқтисодиётга фаол инвестициялар киритиш орқали аҳоли учун барқарор даромад манбаларини яратиш, инфратузилмани яхшилаш, таълим ва тиббийнинг ривожлантириш орқали аҳолининг жиний иқтисодиётга қарамлигини камайтириш бўйича комплекс чоралар ишлаб чиқиш мақсадида мувофиқ.

Бундай дастур фақат грант ёки ёрдам эмас, балки халқаро ҳамжамиятнинг умумий масъулияти сифатида қўрилиши керак.

Ҳурматли дўстлар! Бугунги тадбиримизда ҳамкор давлатлар ва нуфузли халқаро ташкилотлардан 500 нафарга яқин иштирокчи қатнашмоқда.

Мазкур анжуманда илгари суриладиган таклиф ва ташаббуслар инсониятга, миллатлар генотипига таҳдид солаётган наркотиклар муаммосига қарши бирлашиш йўлида янги қадам бўлади.

Бунда гиёҳванд моддалар етиштиришга мойил ҳудудлардаги расмий иқтисодиётга фаол инвестициялар киритиш орқали аҳоли учун барқарор даромад манбаларини яратиш, инфратузилмани яхшилаш, таълим ва тиббийнинг ривожлантириш орқали аҳолининг жиний иқтисодиётга қарамлигини камайтириш бўйича комплекс чоралар ишлаб чиқиш мақсадида мувофиқ.

Бундай дастур фақат грант ёки ёрдам эмас, балки халқаро ҳамжамиятнинг умумий масъулияти сифатида қўрилиши керак.

Ҳурматли дўстлар! Бугунги тадбиримизда ҳамкор давлатлар ва нуфузли халқаро ташкилотлардан 500 нафарга яқин иштирокчи қатнашмоқда.

Мазкур анжуманда илгари суриладиган таклиф ва ташаббуслар инсониятга, миллатлар генотипига таҳдид солаётган наркотиклар муаммосига қарши бирлашиш йўлида янги қадам бўлади.

ЎЗА

“ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН ЁШЛАРИ — 2030” СТРАТЕГИЯСИ САМАРАЛИ АМАЛГА ОШИРИЛИШИ БЕЛГИЛАНДИ

Бошланиши 1-бетда

Жумладан, олис ва чекка ҳудудларда ўқув марказларини ташкил этишга 300 миллион сўмгача сўда ажратиш, улар учун ижтимоий солиқни ва ўқитувчиларнинг даромад солиғини 1 фоиз этиб белгилаш таклиф этилди. Шунингдек, В2 даражага эришган ёшлар учун хорижий паспорт расмийлаштириш учун божни, С1 даража ва тадбиркорлик ташаббуслари учун айрим давлат хизматлари тўловларини 50 фоизгача камайтириш таклиф қилинмоқда.

Стратегияда ёш оилаларни қўллаб-қувватлаш масаласига ҳам алоҳида эътибор қаратилган. Ипотека дастури орқали кредитнинг Марказий банк ставкаси юқори қисми қоплаб берилиши, шу тариқа уй-жой масаласида ёш оилаларга қўшимча энгиллик яратилиши белгиланмоқда.

Ижтимоий фаолликни ошириш мақсадида волонтерлик жамғармасидан 100 миллион сўмгача грантлар ажратиш, фаол ёшларни давлат ташкилотларида пулик амалиётга жалб қилиш, илгор идоркорлар учун Президент мукофотини жорий этиш, шунингдек, китоб ва Book-кафелар жойлашган “Ёшлар кўчалари”ни ташкил қилиш режалаштирилган. Ёшлар инфратузилмасининг минимал стандартлари белгиланади, ҳар бир ҳудуддан “Ёшлар тундари-шахарлари” танлаб олинми, ушбу стандартларни жорий этиш бўйича намуна яратилади.

Ёшлар саломатлигини мустаҳкамлаш, руҳий хавф омилларини қисқартириш, психологик кўмак тизимини кучайтириш масалалари ҳам стратегияда ўз аксини топади. Хусусан, руҳий хавф гуруҳига кирувчи ёшлар улусини 40 фоизга камайтириш, туну кун ишлайдиган психологик алоқа марказини ташкил этиш, спорт билан шугулланувчи ёшлар улусини 25 фоизга ошириш назарда тутилмоқда.

Ёшлар сийёсатида очик мулоқот ва объектив таҳлил тизимини кучайтириш мақсадида Ёшлар муаммоларини ўрганиш ва истиқболли кадрларни тайёрлаш институти томонидан ёшларнинг эҳтижлари ва кутилмалари

Нью-Йорк шаҳрида БМТ Иқтисодий ва ижтимоий кенгаши (ECOSOC) сессияси доирасида сайлов ўтказилди. Унда комиссияга Осиё-Тинч океани минтақавий гуруҳи доирасида ажратилган 4 та ўрин учун Хитой, Япония, Ҳиндистон ва Саудия Арабистони билан бир қаторда Ўзбекистон ҳам даъвогарлик қилди. Ўзбекистон номзоди ECOSOCнинг барча аъзолари томонидан бир овоздан қўллаб-қувватланди.

ТАШҚИ МЕХНАТ МИГРАЦИЯСИ БОЗОРИ ГЕОГРАФИЯСИ КЕНГАЙТИРИЛАДИ

Бошланиши 1-бетда

Эндиликда бундай лойиҳалар сонини 20 тага етказиш, талаб юқори бўлган замонавий касб ва хорижий тилларга ўқитиш кўламини 50 фоизга кенгайтириб, қамровни 10 минг нафардан ошириш режалаштирилган. Жумладан, Тошкент шаҳрида 12 та талаб юқори касб, 7 та чет тилига ўқитиш, 6 та сертификат имтиҳонини ўтказиш учун шароитлар ҳамда 600 ўринли ўқув кампусини ўз ичига олган мақсадли тайёрлаш марказини ташкил этиш назарда тутилмоқда.

Шунингдек, Андижон, Самарқанд, Фарғона ва Тошкент шаҳридаги тиббиёт техникумларида ҳамшираларни тил ва касбий кўникмалар бўйича халқаро имтиҳонларга тайёрлайдиган мақсадли курсларни ташкил этилади. Шу билан бирга, қурилиш соҳасида бетончи, қопилчи, арматура тўқувчи ва пайвандовчиларни тайёрлаш ҳамда малакасини баҳолаш марказларини кенгайтириш чоралари кўрилади.

Худудларда инфратузилмани яхшилаш мақсадида жойларда ягона миграция марказлари ва ҳайдовчиликка ўқитиш хабарини ташкил этиш таклиф этилди.

Мавсумий иш йўналишларини ҳам кенгайтириш зарурлиги қайд этилиб, бу борада аграр ва туризм соҳаларида имзоланган 12 та иш халқаро битим асосида АҚШ, Буюк Британия, Франция, Испания, Италия, Туркия ва Корея каби давлатлар билан ҳамкорликни ривожлантириш топширилди.

Тақдимотда миграцияни тартибли ташкил этишнинг янги моливий механизмлари ҳам муҳокама қилинди. Хусусан, чет тилини ўрганиш харажатларининг 50 фоизини, касбий малака имтиҳони харажатларини эса тўлиқ қоплаб бериш тартибини жорий этиш, бунда маблағларни ўқув марказларига эмас, фуқароларнинг ўзига бериш таклиф қилинди. Шунингдек, чет элда

ишга жойлашган ҳар бир ишчи учун хорижий иш берувчи ва рекрутинг компанияларни рағбатлантиришнинг янги тартиби кўриб чиқилди. “Хорижда иш” миграция платформасини янада такомиллаштириш, унга сунъий интеллект технологияларини жорий этиш орқали иш берувчилар ва аҳоли учун энгиллик ҳамда қўлайлик яратиш масаласига ҳам алоҳида эътибор қаратилди.

Давлатимиз раҳбари Миграция агентлиги фаолияти фақат ташқи меҳнат миграцияси билан чекланиб қолмасдан, ички меҳнат бозорини сифатли кадрлар билан таъминлашга ҳам хизмат қилиши лозимлигини таъкидлади.

Фуқароларни хорижда қонуний ва хавфсиз меҳнат фаолиятига жалб қилиш билан бирга уларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш масаласи ҳам муҳокама қилинди. Уларнинг соғлиги, яшаш ва меҳнат шароитларини доимий мониторинг қилиб бориш зарурлиги таъкидланди. Шу мақсадда 37 та давлатда қўллаб-қувватлаш ишлари йўлга қўйилган бўлиб, 48 минг нафар фуқарога ижтимоий, 17 минг нафарига ҳуқуқий, 6 минг нафарига моддий ёрдам кўрсатилгани маълум қилинди.

Шу билан бирга, мамлакатимизда вақтинча рўйхатда турган чет эл фуқаролари ва фуқаролари бўлмаган шахсларнинг руҳсатномасиз ишлаш ҳолатларини тартибга солиш зарурлиги кўрсатиб ўтилди. Бу борада идораларо ҳамкорликни йўлга қўйиб, ноқонуний миграцияни таҳлил ва прогноз қилиш, норасмий меҳнатни легаллаштириш, миллий кадрлар ҳамда мамлакатимизда бўлиш қондаларини тушунтириш зарурлиги кўрсатиб ўтилди. Президентимиз таклифларни маълум қўллаб, ташқи меҳнат миграциясини замон талабларига мос равишда ташкил этиш, соҳада рақамли ечимлардан кенг фойдаланиш бўйича мутасаддиларга тегишли топшириқлар берди.

ЎЗА

Давлат ва жамоат арбоби, меҳнат фахрийси Рим Абдулович Гиниятуллин 83 ёшида вафот этди.

Рим Гиниятуллин 1943 йил 18 сентябрда Жиззах вилоятининг Зомин туманида туғилди. 1963 йилда Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш институтини (ҳозирги “Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институти” миллий тадқиқот университети) муҳандис-гидротехник йўналиши бўйича тугатди. Меҳнат фаолиятини Ўзбекистон қурилиш вазирлигида оддий ишчи сифатида бошлаб, кейинчалик ушбу вазирликда уста, бош муҳандис вазифаларида хизмат қилди. У Ўзбекистон сув хўжалиги вазирлигида бошқарма бошлиғи ўринбосари, бош бошқарма бошлиғи, сув хўжалиги вазири ўринбосари, Давлат режа қўмитаси раисининг ўринбосари, Давлат агросаноат қўмитаси раиси ўринбосари

Рим Гиниятуллиннинг мамлакатимизни тараққий эттириш борасидаги хизматлари давлатимиз томонидан муносиб тақдирланди. У “Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган ирригатор”, “Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган ёшлар мураббийси” фахрий унвонлари, “Меҳнат шухрати” ва “Дўстлик” орденлари билан мукофотланди.

Эл-юртимиз ўртасида обрў-эътибор топган тажрибали раҳбар, ёшларнинг меҳрибон устози, самимий ва мактарин инсон Рим Абдулович Гиниятуллиннинг хотираси қалбларимизда ҳамisha сақланиб қолади.

Ш. МИРЗИЁЕВ, Т. НОРБОЕВА, Н. ИСМОИЛОВ, А. АРИПОВ, С. ТУРДИЕВ

РИМ АБДУЛОВИЧ ГИНИЯТУЛЛИН



Рим Абдулович Гиниятуллин

лавозимларида ишлаб, катта билим ва тажриба ортттири.

Мохир ташкилотчи раҳбар 1989-1996 йилларда мелиорация ва сув хўжалиги вазири, 1996-1997 йилларда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари каби масъул лавозимларда фидокорона меҳнат қилиб, мамлакатимизда сув ва қишлоқ хўжалиги тармоқларини ривожлантириш орқали юртимизнинг ижтимоий-иқтисодий тараққиётига муносиб ҳисса қўшди.

Р.А.Гиниятуллин Оролни қутқариш Халқаро жамғармасида турли раҳбарлик вазифаларида ишлаб, денгизнинг қуриши билан боғлиқ салбий оқибатларни юмшатиш бўйича амалий чора-тадбирларни ишлаб чиқишда жонбозлик кўрсатди.

Умрининг сўнгги йилларида у Янги Ўзбекистонни барпо этиш жараёнида, хусусан, кўп миллатли жамятимизда тинчлик, меҳр-оқибат, бағрикенглик ва ҳамжихатлик муҳитини мустаҳкамлаш, кескалар ва нурунийларни қўллаб-қувватлаш, ёшларни Ватанга муҳаббат, миллий ва умуминсоний қадриятларга ҳурмат руҳида тарбиялашда фаол иштирок этди.

Рим Гиниятуллиннинг мамлакатимизни тараққий эттириш борасидаги хизматлари давлатимиз томонидан муносиб тақдирланди. У “Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган ирригатор”, “Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган ёшлар мураббийси” фахрий унвонлари, “Меҳнат шухрати” ва “Дўстлик” орденлари билан мукофотланди.

Эл-юртимиз ўртасида обрў-эътибор топган тажрибали раҳбар, ёшларнинг меҳрибон устози, самимий ва мактарин инсон Рим Абдулович Гиниятуллиннинг хотираси қалбларимизда ҳамisha сақланиб қолади.

ТАРИХИЙ ВОҚЕА: ЎЗБЕКИСТОН БМТНИНГ МУҲИМ ТУЗИЛМАСИ АЪЗОСИ

Ўзбекистон тарихда илк бор БМТнинг Жиноятчиликнинг олдини олиш ва жиноий одил судлов масалалари бўйича комиссиясига 2027-2029 йиллар даврига аъзо этиб сайланди.

Нью-Йорк шаҳрида БМТ Иқтисодий ва ижтимоий кенгаши (ECOSOC) сессияси доирасида сайлов ўтказилди. Унда комиссияга Осиё-Тинч океани минтақавий гуруҳи доирасида ажратилган 4 та ўрин учун Хитой, Япония, Ҳиндистон ва Саудия Арабистони билан бир қаторда Ўзбекистон ҳам даъвогарлик қилди. Ўзбекистон номзоди ECOSOCнинг барча аъзолари томонидан бир овоздан қўллаб-қувватланди.

Уч йиллик аъзолик муддати 2027 йил 1 январдан бошланади ва Ўзбекистон учун қатор муҳим имкониятларни тақдим этади. Жиноятчиликнинг олдини олиш бўйича халқаро норма ва стандартларни ишлаб чиқишда фаол иштирок этиш, ҳуқуқ устуворлигини таъминлаш ва инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилишда масъулиятли ҳамкор сифатидаги



нуфузни мустаҳкамлаш, БМТ тузилмалари ва етакчи хорижий ҳамкорлар билан амалий муносабатларни кенгайтириш, миллий одил судлов тизимини модернизациялаш учун халқаро экспертлик ва техник кўмакни жалб қилиш кабилар шулар жумласидандир.

Ушбу муҳим воқеа муносабати билан Ўзбекистоннинг комиссиядаги иштирокини самарали ташкил

этиш бўйича чора-тадбирлар режаси ишлаб чиқилди, унда Ички ишлар вазирлиги, Бош прокуратура, Олий суд ва бошқа органлар учун айнан ушбу йўналишдаги вазифалар белгиланади.

Шунингдек, 2026 йил июнь ойида комиссиянинг Венада бўлиб ўтадиган навбатдаги сессиясида Ўзбекистон делегацияси иштирок этиши ва юртимизнинг устувор йўналишлари ҳақидаги маърузаси режалаштирилган.

Ушбу комиссия 1992 йилда Венада ташкил этилган бўлиб, жиноятчиликка қарши курашиш ва қонун устуворлигини мустаҳкамлаш бўйича глобал сиёсатни белгиловчи асосий орган ҳисобланади. Ўз навбатида, Ўзбекистоннинг ушбу органга аъзо бўлиши мамлакатимизнинг халқаро майдондаги мақоми сифат жиҳатидан янги босқичга кўтарилгани ва глобал кун тартибини шакллантирувчи субъектга айланаётганидан далолат беради.

Тахрир

Миллат генофонди ва ёшлар келажагига хавф

Гиеҳвандлик ва нарकोжияларга қарши кураш бугун дунё ҳамжамияти олдида турган энг жиддий глобал муаммолардан. Юртимизда гиеҳвандлик ва нарकोжияларга қарши курашиш баробарида бу илатни келтириб чиқарадиган сабаб ва омилларни баргараф этишга ҳам алоҳида эътибор берилмоқда. Давлатимиз раҳбарининг 2025 йил 3 ноябрдаги “Аҳоли саломатлиги ва миллат генофондини гиеҳвандлик ва нарकोжиялардан самарали ҳимоя қилиш бўйича комплекс чора-тадбирлар тўғрисида”ги фармони ҳам айна шу мақсадларга қаратилган.

Фармон мамлакатимизда гиеҳвандлик ва нарकोжияларга қарши курашиш бўйича 2024-2028 йилларга мўлжалланган миллий стратегиянинг устувор мақсадларига эришиш, гиеҳвандлик ва уюшган нарकोжияликка қарши курашиш фаолиятини сифат жиҳатидан янги босқичга олиб чиқиш орқали аҳолини, биринчи навбатда, ёшлар саломатлигини ҳамда миллат генофондини самарали ҳимоя қилиш бўйича комплекс чора-тадбирларни қамраб олади.

Утган даврда фармон билан тасдиқланган Гиеҳвандлик ва нарकोжияларнинг барвақт олдини олиш ҳамда уларга қарши курашиш бўйича 2025-2026 йилларга мўлжалланган комплекс амалий ҳаракатлар миллий дастури ижроси изчил таъминланмоқда.

Биргина утган йилги ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларининг ҳамкорлигидаги саъй-ҳаракати натижасида 15 мингдан ортқ нарकोжия, 14 та нарколаборатория ва қадоклаш жойлари аниқланган. Шунингдек, 13 мингдан ортқ наркографит йўқ қилинган.

Ушбу жияотларни содир этган 11 мингдан ортқ шахс жияоний жавобгарликка тортилми, ноқонуний муомаладан олинган 3 тоннадан зиёд гиеҳвандлик воситаси, 2 миллион дондан ортқ кучли таъсир қилувчи дори ҳамда умумий ҳисобда 26 гектар ерда еттиштирилган гиеҳвандлик ўсимликлари белгиланган тартибда йўқ қилинган.

Халқимизда касални даволашгандан кўра, олдини олган афзал деган нақл бор. Шу маънода, аҳоли орасида бу илатга қарши тарғибот-ташвиқот ишлари кучайтирилмоқда. Айниқса, ёш авлод вакилларини бундан муҳофаза қилиш мақсадида гиеҳвандлик ва психотроп воситалар тарқалишининг олдини олиш борасида комплекс тезкор-профилактик тадбирлар ўтказилмоқда. Хусусан, 2025 йилда таълим муассасалари, қорхона ва ташкилотларда 53 мингдан зиёд учрашув ташкил этилиб, 1,5 миллиондан ортқ ёш спорт муСОбақалари, маданий-қўнғилочар тадбирларга қамраб олинган. Муҳими, гиеҳвандликка қарши курашишда илмий ёндашувлар, моддий-техник база ва эксперт-криминалистика соҳаси такомиллашмоқда. Бунда суъний интеллект технологиялари ёрдамида ишлайдиган махсус дастурлар, маълумотлар тизими ишлаб чиқилляпти.

Хавфсизлик — жияматнинг барқарор ривожланишини таъминловчи энг муҳим омиллардан. Мазкур йўналиш давлатимиз раҳбарининг доимий эътиборида. Жорий йил январда ўтказилган видеоселектор йиғилишида ҳам бу борадаги устувор вазифалар белгилаб

ТРАНСМИЛЛИЙ НАРКОТАХДИДЛАРГА ҚАРШИ КУРАШИШДА ҲАМКОРЛИК

Самарқандда Ўзбекистон Республикаси Президентини Администрацияси ҳузуридagi наркотиклар ва ўқотар қуролларни назорат қилиш агентлиги ҳамда Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Наркотиклар ва жияотчилик бўйича бошқармаси ҳамкорлигида “Жамоат саломатлиги ва хавфсизлигини таъминлаш мақсадида трансмилий наркотахдидларга қарши курашиш” мавзусидаги глобал форум ташкил этилди.

Анжуман аввалида Ўзбекистон Республикаси Президентини Шавкат Мирзиёевнинг форум қатнашчиларига мурожаатини Президент Администрацияси раҳбири Саида Мирзиёева ўқиб эшиттирди.

Мурожаатда наркотиклар савдоси трансчегаравий ва виртуал характерга эга бўлиб бораётган бир пайтда мамлакатимизда гиеҳвандлик ва нарकोжияларга қарши курашиш масаласи умуммиллий ҳаракатга айлангани, сўнгги йилларда соҳада идораларо ҳамкорликни мустаҳкамлаш, профилактика механизмларини ривожлантиришга қаратилган 20 дан ортқ қонун ҳужжатлари қабул қилингани алоҳида қайд этилган. 2024 йилда наркотикларга қарши курашиш бўйича миллий стратегия қабул қилингани бу борадаги энг катта қадам бўлди. Ана шу саъй-ҳаракатлар туфайли кейинги йилларда наркотикларнинг ноқонуний айланмаси билан боғлиқ жияотларни аниқлаш кўрсаткичи 2,5 баробарга ошди, муСОдара қилинган гиеҳвандлик воситалари 2 баробарга, йўқ қилинган синтетик наркотиклар 7 баробарга кўпайди.

Биргина утган йилнинг ўзида ҳуқуқ-тартибот идоралари томонидан 15 мингдан зиёд нарकोжияот фoш этилди, қарийб 3,5 тонна гиеҳвандлик воситалари, жумладан, 120 килограмм синтетик наркотиклар йўқ қилинди, 14 та яширин нарколаборатория ва 72 та йирки интернет-дўкони фаолиятига чек қўйилди. Жорий йилнинг биринчи чорагида эса бу кўрсаткич 10 тани ташкил этди, 35 та уюшган нарकोжияоний гуруҳ фаолиятига чек қўйилиб, уларнинг 8 нафар лидерлари ва 130 нафар аъзолари қўлга олинди.

Мурожаатда бугунги кунда нарकोжияотларнинг учдан бир қисми ёшлар томонидан содир этилаётгани, асосий хавф гуруҳини 15 ёшдан 30 ёшгача бўлганлар ташкил қилаётгани, бу илатнинг аҳоли генофондида жуда катта таҳдид эканлиги таъкидланди.

Давлатимиз раҳбари ўз мурожаатида гиеҳвандликка қарши курашиш бугун инсониятнинг умумий масъулияти ва мажбурияти эканлигини қайд этиб,

нарकोжияотларнинг олдини олиш бўйича муҳим ташаббусларни илгари сурган. Форум қатнашчилари Президент Шавкат Мирзиёевнинг ташаббусларини қўллаб-қувватлаб, Ўзбекистонда гиеҳвандлик ва нарकोжияотларнинг олдини олиш ҳамда бу илатга қарши курашиш борасидаги ишларни эътироф этди.

Хусусан, БМТнинг наркотиклар ва жияотчилик бўйича бошқармаси ижрокчи директорини ўринбосари Бо Матиасен Ўзбекистонда гиеҳвандликка қарши курашиш, аҳоли, айниқса, ёшларни бу илатдан асраш борасида давлат томонидан муҳим дастурлар амалга оширилаётганини таъкидлади.

— Бугунги кунда нарकोжияотлар ва бу илат тарғиботида ижтимоий тармоқлар, криптовалюталар ҳал қилувчи роль ўйнамоқда, — деди Бо Матиасен. — Шунинг учун Ўзбекистонда утган йил алоҳида сервер ташкил этилди ва ушбу турдаги жияотларни барвақт аниқлаш, олдини олишга эришилмоқда. Ҳукуматнинг фаол иш олиб бораётгани, Марказий Осиё давлатлари билан фаол маълумот алмашилаётгани ва ўзаро ҳамкорлик натижасида гиеҳванд моддалар айланмасининг 60 фоизи чеғаралабдаёқ тўхташилмоқда. Бундан ташқари, синтетик наркотиклар кўпайишининг олдини олиш, психотроп дори воситалари ноқонуний муомаласини чеклаш борасидаги ишлар ҳам диққатга сазовор ва ушбу йўналишдаги ишларни янада такомиллаштириш лозим.

Форум очилишида сўзга чиққан Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти бош директорини Тедрос Гебрейесус гиеҳвандлик ва наркотахдидлар соғлиқни сақлаш учун жуда катта хавф эканлигини таъкидлади.

— Бугунги кунда дунё бўйича тахминан 300 миллион киши гиеҳванд моддаларни истеъмол қилади, улар сафига ҳар йили 600 минг киши қўшилмоқда, бу илатдан қурбон бўлаётганлар сони эса йилдан йилга ошиб бормоқда, — деди Тедрос Гебрейесус. — Аньанавий гиеҳвандлик билан бирга синтетик

Ғолиб ҲАСАНОВ, ЎЗА мухбири

Зуфарбек АБДИХАЛИЛОВ, Божхона қўмитаси Тошкент вилояти бўйича бошқармаси ёшлар етакчиси



Вилоятимизда 304 та маҳаллада 278 мингдан ортиқ хонадон, 1 миллион 533 мингдан зиёд аҳоли истиқомат қилаётгани, ҳар бир хонадон ортида алоҳида бир ҳаёт, алоҳида бир тақдир борлигини англаш биз депутатлар зиммасига янада катта масъулият юклайди.

ДАВР НАФАСИ 3

2026 йил 21 апрель, 78-сон

www.yuz.uz

yuz.uznews

yuz_official

yuz.uz_news

yuz.uz_news

Ягона Ватан, ягона халқ бўлиб, янги ҳаёт ва келажак яратамиз!

Баъзан катта ўзгаришларни сезиш учун узоққа бориш шарт эмас. Эрталаб маҳалла кўчасидан ўтаётиб, янги қурилган ўйлар, раван йўллар, қатор автомобиллар, болалар кулгисига ўлган ҳовиллар, ишга шошаётган одамлар чехрасидаги мамнунликни кўришнинг ўзи кифоя. Чунки бугунги ҳаёт кечагидан фарқ қилаётганини, орзулар аста-секин ҳақиқатга айланаётганини айнан шу манзаралар орқали ҳам ҳис қилиш мумкин. Ажабланарлиси, бу ўзгаришлар жуда қисқа муддатда ҳаётимизга кириб келди.



Эркин ХОЛМАТОВ,
Халқ депутатлари Жиззах вилояти кенгаши депутати

Бугун янги Ўзбекистон ҳақида гап кетганда, биз фақат режалар ёки ниятлар ҳақидагина эмас, балки ҳаётимизнинг ҳар бир жабҳасида намоён бўлаётган амалий натижалар тўғрисида сўз юритамиз. Ўтаётган ўн йилдаги кенг қўламли ва чуқур мазмунли ислохотлар юртимиз тараққиётида мулақо янги босқични бошлаб берди. Бир вақтлар орзу бўлиб тулган юрт тараққиётининг янги даври бугун аллақачон ҳаётимизнинг ажралмас қисмига айланиб, реал воқелик сифатида ҳар бир инсон, ҳар бир оила тақдирини намоён бўлмоқда.

Энг муҳими, бу ислохотлар марказида инсон турибди. Унинг қадрини, шаънини, орзу-

интилишларини давлат сиёсатининг устувор йўналишига айланди. Азалдан “қорним деб эмас, қадрим деб” яшаган халқимиз учун бу шунчаки шир эмас, балки ҳаёт ҳақиқатига айланмоқда. Бугун одамлар ўз муаммоси билан ёлғиз эмаслигини, уларни эшитиладиган, тушунадиган ва амалий ечим топадиган тизим шаклланишини чуқур ҳис этмоқда.

Айниқса, аҳоли муаммоларини манзилли ҳал этиш, камбағалликни қисқартириш борасидаги ишлар кўплаб оилалар тақдирини ўзгартирди. Илгари турмуш оғирлиги сабаб имкониятлари чекланган инсонлар бугун тадбиркорликка қадам қўймоқда, касб-хунар ўрганиб, ўз даромад манбаини яратмоқда. Маҳаллаларда “Темир дафтар”, “Аёллар дафтари”, “Ёшлар дафтари” каби тизимлар орқали ҳар бир инсон тақдирини алоҳида эътибор қаратилаётгани, муҳтож оилаларга аниқ ва самарали кўмак берилаётгани ислохотларнинг энг инсоний жиҳатидир.

Бугунги кун одамларнинг дунёқараши ҳам тубдан ўзгарди. Агар илгари кўпчилик бор имконият билан чекланиб яшаган бўлса, бугун ҳар бир инсонда интилиш, ҳаракат, эртанги кунга ишонч бор. Одамлар ўз фарзандларининг таълими, оиласи фаровонлиги, шахсий ривожига ҳақиқат кенгроқ ўйлай бошладилар. Ҳар бир хонадонда турмушни енгилаштирувчи замонавий

шароитлар яратилаётгани, ҳатто энг чекка қишлоқларда ҳам янги ўйлар, обод кўчалар барпо этилаётгани ўзгаришларнинг кўзга кўринарли самарасидир.

Энг муҳими, бу ислохотлар инсонни ўзгартира бошлади. Бугунги фуқаро кузатувчи бўлиб қолмай, балки ўз ҳаётининг фаол бунёдкорига айланмоқда. Унинг овози, фикри, ташаббуси қадр топапти. Бу эса жамиятда ўзаро ишонч, ҳамжихатлик ва бирлик муҳитини янада мустаҳкамламоқда.

Юқорида таъкидланганидек, ислохотлар самараси энг аввало жойларда, одамлар ҳаётида, кундалик турмушида намоён бўлаётгани билан аҳамиятли. Бунинг мен депутат сифатида ўз фаолиятим давомида бевосита ҳис қилиб келмоқдаман.

Яқинда Зомин ва Зарбдор туманларидаги сайловчилар билан учрашувлар ўтказдик. Унда аҳолини қийнаётган долзарб муаммо ва масалаларни тинглаб, улар атрофида ўрганилди. Шунингдек, эҳтиёжманд ва кам таъминланган оилалар ҳолидан хабар олиб, уларнинг турмуш шароитини яхшилашга қаратилган тақдир ва ташаббуслар белгилаштирилди. Бу учрашувлар оддий расмий тадбир эмас, балки инсон қалбига йўл топиш, муаммоларини тинглаш, ҳаётга энгилик олиб киришга қаратилган самимий мулоқотларга айланди.

ЎЗГАРИШЛАР ШАМОЛИ ЭСИБ ТУРГАН ЮРТ НАФАСИ

одамлар уларни масъуллар тинглаётгани, қадр топаётганини ҳис этипти.

Оддий бир мисол. Зарбдор тумани “Оқар” маҳалла фуқаролар йиғинида яшовчи Ирода Жуманова билан мулоқотимиз бунга аяққол далайл бўла олади. Унинг томонидан суюлтирилган газ баллон билан таъминлаш ҳамда ўз касби — ҳамширалик йўналишида малака ошириш масалалари кўтарилди. Бу мурожаат ўша жойнинг ўзида мутасаддилар билан биргаликда кўриб чиқилиб, ижобий ҳал этилди.

Бир қарашда оддий масаладек туюлиши мумкин. Аммо аслида бу бир оиланинг турмушидаги оғирлик енгилашди, бир аёлнинг ўз касби орқали даромад топиши жамиятда ўрни мустаҳкамланипти, дегани. Бу ҳам ислохотларнинг ҳақиқий мазмунини — инсон тақдирини дахлдорлик эканини яна бир бор намоён этади.

Бу каби жонли мисоллар шундан далolat берадики, агар аҳоли мурожаатларига расмийтачилик билан эмас, балки виждонан, масъулият

миздек қабул қилиш, ҳамжихатликда иш олиб бориш талаб этилади.

Бугун камбағалликни қисқартириш, аҳолини иш билан таъминлаш давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан бирига айланган бежиз эмас. Чунки инсон фаровонлиги — жамият тараққиётининг энг муҳим мезони. Жиззах вилоятида ҳам бу борада салмоқли ишлар қилинмоқда. Жорий йилда қишлоқ хўжалиги, хизмат кўрсатиш, ишлаб чиқариш ва бошқа соҳаларда тадбиркорликни ривожлантириш дастурлари доирасида лойиҳаларни молиялаштириш учун 295 миллиард сўм йўналтирилди.

Бу маблаг шаҳар ва туманлар кесимида адолатли тақсимланиб, ўнлаб янги лойиҳаларни ҳаётга татбиқ этишга хизмат қилмоқда. Натижада янги иш ўринлари яратилипти, оилалар даромади ошмоқда, камбағаллик даражасини 4,9 фоиздан 3 фоизга туширишдек аниқ ва улкан мақсадлар қўйилмоқда. Бу рақамлар ортида эса минглаб инсонлар тақдирини, уларнинг орзу-умидларини акс этиб турибди.

Албатта, бундай натижаларга эришишда энг муҳим омил халқ билан очиқ ва самимий мулоқот саналади. Чунки айнан ана шундай учрашувларда одамларнинг ҳақиқий муаммолари юзага чиқади, уларга жойида туриб ечим топиш имконияти пайдо бўлади.

Вилоятимизда 304 та маҳаллада 278 мингдан ортиқ хонадон, 1 миллион 533 мингдан зиёд аҳоли истиқомат қилаётгани, ҳар бир хонадон ортида алоҳида бир ҳаёт, алоҳида бир тақдир борлигини англаш биз депутатлар зиммасига янада катта масъулият юклайди.

Шу маънода, уйма-уй юриб, аҳоли билан бевосита мулоқот қилиш, фуқаролар томонидан ўртага ташланаётган муаммоларни ўрганиш ва уларга ечим топиш бугунги куннинг энг муҳим вазифаларидан бирига айланади. Чунки инсон қалбига йўл топиш ислохотларнинг энг тўғри ва энг қисқа йўлидир.

Албатта, эришилган ютуқлар билан чекланиб қилиш мумкин эмас. Ҳаёт олдимизга янги талаб ва вазифаларни қўймоқда. “Ўзбекистон — 2030” стратегияси доирасида белгиланган улкан мақсадлар ҳар биримизни янада фаол, янада масъулиятли бўлишга ундайди. Зеро, тараққиёт — тўхтовсиз жараён.

Президентимиз таъкидлаганидек, олдимиздаги юксак марраларга фақат биргаликда — маҳалла фуқаролари, нурунийлар, аёллар, ёшлар, зиёлилар, тадбиркорлар, ватан посбонлари, бутун халқимиз билан елкадош бўлибгина етиб боришимиз мумкин. Чунки бу юртининг ҳақиқий кучи унинг одамлари меҳнати, ишончи ва юксак орзу-интилишларида акс этади.

Шу боис, бугунги ислохотлар нафақат давлатни, балки инсон тақдирини ҳам ўзгартирмоқда. Улар ҳар бир оиллага нур, ҳар бир юракка умид, ҳар бир кунга мазмун бағишламоқда. Энг муҳими, одамлар бу ўзгаришларни фақат кўриб эмас, балки ўз ҳаётида ҳис қилиб яшаётир.

Орол фожиаси нафақат Марказий Осиё, балки бутун дунё учун долзарб муаммодир. Инсониятга табиатдан нотўғри фойдаланишнинг оғир оқибатларидан сабаб бераётган ушбу глобал муаммо туфайли, айниқса, минтақамиз давлатлари катта ижтимоий-иқтисодий зарар кўрмоқда. Биргина мисол, Оролқумдан йилга 100 миллион тонна чанг ва туз кўтарилади. Бу, ўз навбатида, турли касалликларга сабаб бўлиши, ернинг шўрланиш жараёнини тезлаштириши мумкин. Орол денгизи қуриши натижасида 3 миллион гектар майдон ярқочиз ҳолга келгани ва худуднинг 56 фоизи шамол эрозияси таъсири остидалиги, юртимиз шароитида ер ресурслари ёмонлашуви иқтисодиётимизга ҳар йили 830 миллион доллар зиён келтираётгани ҳам зарар қўламининг нақадар кенглигини англайди.



Орол ва ҳаёт

МИНТАҚАВИЙ ЭКОЛОГИК БАРҚАРОРЛИК АСОСИ

Шунинг учун Оролбўйи минтақасида экологик вазиятни яхшилашга давлат сиёсати даражасида катта эътибор қаратишмоқда. Орол денгизи қуриши оқибатларини юмшатиш, жумладан, денгизнинг қуриган тубини яшиллатиш, янги кенг қўламли тикланиш ишлари олиб боришмоқда.

Кейинги йилларда Оролбўйининг 2 миллион гектардан ортиқ чўл худудларида қургорчиликка чидамли ўсимликлар экилгани ҳам фикримизнинг тасдиқлайди. Давлатимиз раҳбарини ташаббуси билан 2021 йилда БМТнинг Оролбўйи минтақасини экологик инновациялар ва технологиялар ҳудуди деб эълон қилиш тўғрисидаги махсус резолюцияси қабул қилинган, 2018 йилда эса Инсон хавфсизлиги бўйича кўп томонлама шериклик асосидаги траст фондида асос солинган бу масаланинг нақадар ўткир экани ва Ўзбекистон унинг ечимига жиддий киришганидан далolat беради.

Эътиборлиси, бу йўналишдаги ишлар изчил давом этирилиди. Хусусан, янгиланган “Ўзбекистон — 2030” стратегиясида Орол денгизининг қуриган туби ва Оролбўйи ҳамда бошқа чўл худудларда қўшимча 1,3 миллион гектар майдонда “Яшил қопламалар” барпо этиш, шунингдек, “Яшил иқлим” ва Глобал экологик жамғармаларнинг био-хилма-хиллик, иқлим ўзгариши ва тупроқ эмиришлигининг олдини олишга қаратилган дастурлари асосида 30 миллион доллар қий-матдаги лойиҳаларни амалга ошириш каби катта вазифалар белгилангани шундай дейи-шишга тўла асос яратди.

Кўтқариш халқаро жамғармаси муҳим роль ўйнамоқда.

Жамғарманинг бу борадаги аҳамияти борасида Президентимиз Оролни кўтқариш халқаро жамғармаси таъсисчи давлатлари раҳбарлари кенгашининг 2023 йил 15 сентябрда бўлиб ўтган навбатдаги йиғилишида “Оролни кўтқариш халқаро жамғармаси бу, аввало, Марказий Осиё мамлакатларининг глобал микросдаги энг ўткир муаммолардан бирини ечиш бўйича кўп томонлама ҳамкорлик бора-сидига ноёб тажрибасидир”, деганди.

Жамғарма фаолиятига 33 йил бўлган эса-да, кейинги ўн йилликдагина унинг амалий ҳаракатлари сезиларли даражада ўзгарди, фой-далилик коэффициентини каррасига ортди. Шу маънода айтиш мумкинки, жамғарма таъсисчи давлатлари раҳбарлари кенгашининг жорий йил 22-23 апрель кунлари Остонада ўтказили-ши режа қилинган навбатдаги йиғилиши ҳамда минтақавий экологик саммитлар самар-али янги лойиҳалар ишлаб чиқилишига асос бўлиши билан аҳамиятлидир.

Бу фожиа минтақа аҳолиси узоқ йил-лардан бери курашиб келаётган глобал эко-логик муаммолардан. Давлатимиз раҳбари ўтган йили 4-5 апрель кунлари Самарқанд халқаро иқлим форумида сўзлаган нутқида “Биз аллақачон инсониятнинг энг йирик фо-жиаларидан бири — Орол денгизи қуриши оқибатларини бошдан кечирмоқдамиз”, дея қайд этгани бежиз эмас.

Ўзбекистон ушбу фожиянинг қандай оқибатларга олиб келиши мумкинлигини те-ран англагани ҳолда Оролни қайта тиклаш, денгизининг қуриган қисмини кўкаламзор-лаштириш борасида катта лойиҳаларни амалга оширмоқда. 2021 йилда давлатимиз раҳбари томонидан илгари сурилган “Яшил макон” лойиҳаси шулардан бири.

Беш йилдан буён “Яшил макон” умум-миллий лойиҳаси доирасида ҳар йили 200 миллион туп кўчат экилиб, ўтган даврда 2000

гектардан зиёд майдонда 942 та яшил боғ ва яшил жамоат парки, 47 та массивда “Янги Ўзбекистон боғлари” барпо этилди. Умуман, қисқа муддатда республиканинг яшиллик даражаси 8 фоиздан 14,2 фоизга ошди.

Ушбу лойиҳа доирасида 2025 йилда Орол денгизи тубида 100 минг гектар “яшил майдон” барпо этилган бўлса, жорий йил Қорақалпоғистон, Хоразм, Бухоро ва Навоийда жами 250 минг гектар, жумладан, Оролнинг қуриган тубида 115 минг гектар ерда дароҳт ва буталар экилиши режалаштирилган.

Бу ишлар ҳисобот учун кўр-кўрона қили-намапти. Худудларнинг иқлим шароити-дан келиб чиққан ҳолда унга мос кўчатлар ерга қадалмоқда. Масалан, Қорақалпоғистон Республикаси, Бухоро, Жиззах ва Қашқадарё вилоятларининг танланган худудларида шўр ва сувсизликка чидамли ўсимликлар (гало-фит) боғлари ташкил этиляпти. Айрим ҳу-дудларда ин-витро лабораториялари очилиб, худудларнинг табиий шароитига мос турлар етиштирилмоқда.

Шўрланиш кучли бўлган Орол денгизи-нинг қуриган майдонига арундо донак деб аталувчи экин тури экилмоқда. Арундо до-нак кўп йиллик қамиш, одатда 6 метргача ўсади. Қулай шароитда эса бўйи 10 метрдан ошishi мумкин. Бу эса худуддан тузли чанг ҳаво кўтарилишига тўқсизлик қилади.

Амударё ва Сирдарё умумий бойлигимиз

Амударё ва Сирдарё ҳавзалари минтақа-даги дарё сувларининг 90 фоизгача қисми-ни таъминлайди. Халқаро экспертларнинг қайд этишича, ушбу дарёларда сув оқими ка-майиши натижасида 2040 йилга бориб, Мар-казий Осиё мамлакатлари юқори даражадаги сув тақчиллигига дуч келиши мумкин. Бу минтақанинг 80 миллиондан ортиқ аҳолиси-га таъсир қилади.

Ўзбекистон, Қозғистон ва Туркманис-тонда эса суғориш тизими ва саноат дарёда-ги сувга боғлиқ, Каналлар ва дренажлар эскиргани сабабли суғориш тизимларида сув исрофи 30-40 фоизгача, айрим худудларда 50 фоизгача бўлади. Сўнгги йилларда иқлим ўзгариши ва қургорчиликнинг қишлоқ хўжа-лиги ва озиқ-овқат хавфсизлигига таъсири кучайиб, вазиятни янада оғирлаштирмоқда.

Бунга қарши Ўзбекистонда рақарли чора-тадбирлар кўришмоқда. Жумладан, сув ресурсларини тежаш мақсадида ирригация тизимлари бетонлаштирилмоқда. Сувни те-жайдиган технологияларни ишлаб чиқариш бўйича саноат базаси яратилляпти, суғорила-диган ерларнинг деярли ярмида ана шундай технологиялар жорий этилган. Натижада 2024 йили 8 миллиард метр куб сув тежалди.

Шу боис, давлатимиз раҳбари ўтган йили Самарқанд халқаро иқлим форумида Марказий Осиё давлатларини сув тежовчи технологияларни жорий этиш борасидаги саъй-ҳаракатларни бирлаштириш ва бу соҳа-да минтақавий дастурни ишга туширишга қа-чирганди.

Ҳақиқатан, Марказий Осиё давлатла-ри ўзаро ҳамкорликда маъзур муаммоларга қарши курашилиши лозим. Бу борада айни пайтда қатор қўшма лойиҳалар рўёбга чи-қаришмоқда. Ўзбекистон, Қозғистон, Қирғи-зистон, Тожикистон ва Туркманистон давлат раҳбарлари минтақадаги муаммоларни ўзаро ҳамжихатликда ҳал этишга киришган.

Жумладан, Ўзбекистон, Қозғистон ва Қирғизистон ўртасида Қамбарота ГЭС-1 лойи-ҳасини биргаликда амалга ошириш тўғрисида-ги битим минтақанинг сув-энергетика ресур-сларидан биргаликда фойдаланиш амалиётида янги саҳифа очгани қардошларча ҳамкорлик-нинг ёрқин далилидир. Тошкент ва Бишкек ўртасида Чашма булогидан биргаликда фой-даланиш тўғрисидаги келишув ҳам оқилона муроаса мисол бўла олади.

Ўзбекистон ва Тожикистон иштироки-да Зарафшон дарёсида Ёвон ва Фондарё ГЭСларини қуриш бўйича ҳамкорлик ол-дини силжимоқда. Ўзбекистон, Тожикистон ва Қозғистон ўртасида Бахри Тожик сув омборини вегетация даврида келишилган тартибда ишлатиш, шунингдек, Туркманис-тон билан ҳукуматлараро битим доирасида Амударё сув ресурсларидан оқилона фойда-ланиш бўйича келишувларга эришилди. Бу сув ресурсларини биргаликда бошқаришни яхшилашда ҳамда экологик муаммолар хав-фини камайтиради.

“Яшил” энергетика табиий мувозанатни сақлайди

Экологик мувозанатни яхшилаш учун дунё давлатлари ишлаб чиқариш, саноат, қишлоқ хўжалиги ва бошқа турли соҳаларда “яшил” энергиядан фойдаланишга ўтмоқда. Марка-зий Осиё давлатлари ҳам кейинги йилларда бу йўналишга жиддий эътибор қаратмоқда.

Хусусан, Ўзбекистонда сўнгги беш йил-да 6 минг мегаваттлик қуёш, шамол ва гидро электр станциялар ишга туширилди, умумий генерацияда “яшил” энергиянинг улуши 30 фоизга етди.

2025 йил сўнггида хоржий ҳамкорлар билан жами 3,5 минг мегаваттлик, 4 миллиард 200 миллион долларли янги “яшил” қувватлар қурилишига старт берилди. Бу ишлар орқали 2026 йилнинг ўзида 7 миллиард метр метр та-биий газ тежалди ва ҳавога 11 миллион тонна зарарли модда чиқишининг олди олинди.

Буларнинг барчаси 2030 йилгача қў-шимча 17 минг мегаваттдан ортиқ қайта тикланувчи энергия қувватлари ишга ту-ширилиши, натижада “яшил” энергиянинг жами генерациядаги улуши 54 фоизга етқа-зилишига хизмат қилади. Ўзбекистон қўшни- давлатлар билан биргаликда муқобил энер-

гетикадан турли соҳаларда фойдаланиш билан бирга, уни Европа бозорига экспорт қилишни ҳам кўзлаган.

Бу йўналишда Марказий Осиё давлат-лари ўзаро ҳамкорликда катта лойиҳаларга кўл урмоқда. Хусусан, Қозғистон ва Озар-байжон билан ҳамкорликда Европада электр энергияси экспорт қилиш учун “Яшил йўлак” лойиҳаси кун тартибига келтирилган.

Бокудайи COP29 саммитида имзолан-ган келишув асосида амалга оширилаётган бу лойиҳа доирасида айни пайтда тизимли ишлар қилинмоқда. Унга кўра, Каспий ва Қора денгиз остидан кабел тортиш орқали Европага “яшил стратегик йўлак” барпо этилиб, “яшил” энергия экспорт қилиниши кўзда тутилган. Ҳозирги кунда Италия компани-яси томонидан технологиялар ишлаб чиқилмоқда. Қўшни давлатлар билан ягона энергетика бозорини яратиш йўлидан бори-лмоқда. Бу дунё энергетика бозорини Марка-зий Осиё ўзининг йирик ўрнига эга бўлиши-ни билдиради.

Юқорида қайд этилган йўналишлар-даги ҳамкорликда Оролни кўтқариш халқ-қаро жамғармаси фаолияти муҳим аҳамият касб этади. Жамғарма таъсисчи давлатла-ри раҳбарлари кенгашининг яқинда бўлиб ўтadиган мажлиси эса бу борада кейинги қадамлар, келгусида ўзаро ҳамкорликда амалга ошириш зарур бўлган чора-тадбир-ларни белгилаб олиш нуктаи назаридан минтақанинг барча давлатлари учун бирдек манфаатлидир.

Санжар ЭШМУРОДОВ,
“Янги Ўзбекистон” мухбири

Бугун қурилиш лойиҳаларини шунчаки яратиб бўлмайди, ҳар бир жиҳат аниқ кўрсатилиши керак. Бу эса архитектурани нафақат санъат, балки қурилишларнинг асосий қисмига айлантиради. Давлатимиз раҳбарининг тадбиркорлар билан очик мулоқотида кўплаб лойиҳачилар иштирок этгани боиси шунда.



Кун мавзуси

Қурилиш ишлари оддий бино кўтаришдангина иборат бўлган вақтлар ўтди. Бугун бунёд этилаётган ҳар бир иншоот шаҳарсозлик талаб ва меъёрларига жавоб бериши керак. Қурилиш жойини танлашдан тортиб, унга мос лойиҳа ва дизайн яратишгача бўлган ишларнинг бари бир нуктада уйғунлашади. Шу тариқа шаҳарларнинг умумий қиёфаси, архитектура дизайни пайдо бўлади.

ЭНДИ ҚУРИЛИШЛАРДА

ВАҚТ ВА МАБЛАҒ ТЕЖАЛАДИ

Тадбиркорларни қийнаётган энг катта масалаларга ечим берилди

Янги Ўзбекистонда охириги йиллардаги қурилишлар мисолида бунга яққол кўриш мумкин. Зеро, бугун юртимизда қурилиш ва шаҳарсозлик мутлақо янги нормалар, замонавий ёндашувларга асосланмоқда. Лойиҳалар ҳар бир шаҳарнинг жойлашуви, маданий ва бошқа хусусиятларидан келиб чиқиб белгиланаётгани ҳам яққол кўзга ташланади. Масалан, пойтахтдаги қурилишларнинг аксарияти замонавий шаҳар қиёфасини акс эттирса, Самарқанд, Бухоро каби тарихий шаҳарларда маданий йўналишдаги архитектура талаблари кўпроқ инобатга олинади. Бундай ёндашувлар урбанизация, архитектура-дизайн йўналишларини ҳам ривожлантиряпти.

Қурилиш соҳасининг ўзи эса алоҳида мавзу. Биргина уй-жой қурилишини олайлик. Яқин вақтларгача Ўзбекистонда бир йилда бир неча юз хонадонли кўп қаватли уйлар қурилса ҳам катта гап эди. Соҳада тўпланиб қолган муаммоларни-ку, айтмаса ҳам бўлади. Уй-жой фондини бошқариш тизими самарасизлиги боис, таямирлаш ва хизмат кўрсатиш учун маблағ доимий етишмасди. Бошқа томондан, аҳолининг арзон уй-жойларга талаби ниҳоятда юқори эди.

2017 йилдан бу йўналишда катта марра олинди. Юртимиз бўйлаб турар ва нотур жойлар қурилиши шиддатли тус олди. Минглаб хонадонга эга кўп қаватли уйлар қад ростлай бошлади. Аввалига шунча уйда ким яшайди, бунга талаб борми ўзи деган фикрлар ҳам билдирилди. Бугун эса қурувчи компаниялар сони ва аҳолига уй-жой таклифи қанча кўп бўлмасин, барига талаб бор. Чунки соҳада нафақат тадбиркорлар учун кенг имкониятлар яратилди, балки аҳолининг арзон уй-жой сотиб олиш қобилиятини ошириш механизми, хусусан, узоқ муддатли ипотека кредитлари ва бошқа кўплаб замонавий таклифлар берилмоқда.

Натижада кейинги тўққиз йилда Ўзбекистонда бу соҳа шу қадар ривожландики, қурилиш ишларининг ҳажми 2016 йилдаги 30 триллион сўмдан ўтган йили 314 триллион сўмга етди. Шу йиллар мобайнида 647 минг хонадонли 15 мингдан ортиқ кўп қаватли уй-жой барпо этилди, мамлакатимизда қарийб 10 мингта янги қурилиш корхонаси иш бошлади. Асосийси, булар шунчаки қурилиш эмас, балки халқаро стандартларга асосланган йирик лойиҳалардир. Улар шаҳарсозликнинг бошқа талаблари ва йўналишлари билан уйғунлаштирилиб, энди қурувчилар одамларга яшаш жойи билан бирга замонавий инфратузилма, қулай экологик муҳит ва яшил ҳудудларга эга масканларни таклиф қилляпти.

Жаҳон таърибасида пухта ўйланган шаҳарсозлик сиёсати ва кенг кўламли уй-жой қурилиши уйғунлашганда иқтисодий юксалиш ҳамда ҳаёт сифати ошиши ўз исботини топган. Кўплаб давлатларда урбанизациянинг мувозанатли модели жорий этилиб, унда уй-жой қурилиши бир пайтнинг ўзида инфратузилма, ҳудудий ривожлантириш ва юқори сифатли шаҳар муҳитини шакллантириш орқали намоен бўлмоқда. Қолаверса, одамларнинг айнан шундай замонавий шаҳарларда яшашга бўлган талаби ортиб борапти.

Маълумотларга кўра, ҳозирги кунда юртимиз аҳолиси 38 миллиондан ошиб, уларнинг 20 миллиони шаҳарларда яшамоқда. Бу шаҳарсозликни янада ривожлантириш, замон талабларига мослаштиришни тақозо этади. Кейинги йилларда айна жиҳатларга эътибор қаратаётгани, исталган лойиҳа аввалида бош режа ишлаб чиқилиб, муҳокамаларга қўйилаётгани боиси шунда. Ҳатто бу муҳокамаларда аҳолининг ўзи таклиф ва ташаббуслари билан иштирок этапти.

Мазкур йўналишда ишлар самардорлигини янада ошириш, тезкорлик ва сифатни таъминлаш, тадбиркорларнинг овозгарчиликларини камайтириш учун ҳуқуқий асослар бўлиши керак. Шу мақсадда ўтган йиллар давомида мамлакатимизда қурилиш соҳасида рухсат бериш бошқичлари уч қарра, муддатлар тўрт қарра қисқартирилиб, 420 та шаҳарсозлик норма ва қондаси бирлаштирилди, эскиларни бекор қилиниб, 140 та янги норма ва қонда тасдиқланди. Аммо ҳали соҳада ҳал этилиши зарур бўлган масалалар етарлича.

Жорий йилнинг 14 апрель куни давлатимиз раҳбари раислигида уй-жой қурилиши ва урбанизация соҳасида амалга оширилаётган ишлар, мавжуд муаммолар ва келгусидаги устувор вазифалар юзасидан ўтказилган видеоселектор йиғилишида айна йўналишдаги долзарб масалалар таҳлил қилинди. Анчадан бери тўпланиб келётган муаммолар ўртага ташланди. Ўтган йиллар давомида ер ва кредит каби асосий масалалар ҳал этилган бўлса-да, тадбиркорлар қурилишни бошлаш бошқичида ҳалигача турли тўсиқларга дуч келаётгани, бу жараёнлар оилаб-йиллаб



қўзилаётгани айтилди. Уларнинг ечими бўйича таклифлар берилиб, урбанизацияни барқарор ривожлантириш бўйича ягона ёндашув бўлиши шартлиги кўрсатиб ўтилди. Давлатимиз раҳбари урбанизация даражасининг ҳар 1 фоиз ўсиши иқтисодиётга камида 1 фоиз қўшимча ўсиш олиб келиши, инвестиция оқими, бизнес ва стартаплар фаоллиги, меҳнат унумдорлиги шунга мутаносиб равишда ортинини таъкидлади.

— Йиғилишда бош режадан тортиб, қурилишни яқунлаш ва уни эксплуатация қилиш масалаларига тахлилий кўриб чиқилди, — дейди қурилиш ва уй-жой коммунал хўжалиги вазир Шерзод Ҳидоятлов. — Очингани айтганда, қурилиш соҳасида камчиликлар етарлича. Олинлари бетартиб қурилишлар бўлган, бош режа тасдиқланмаган, айрим тадбиркорлар муаммолари қурилишлар қилиб қўйган ва ҳоҳсо. Натижада аҳоли ва тадбиркорларни қийнаб келётган кўплаб саволлар тўпланиб қолган. Шу боис, йиғилишга бир неча ой давомида катта тайёргарлик қилинди. Бу вақт давомида тадбиркорлар билан учрашувлар ўтказилиб, фикрлари, таклифлари, муаммолари эшитилиб, таҳлил қилинди. Бевосита соҳада ишловчиларнинг таклиф ва ташаббуслари тўпланиб, давлатимиз раҳбарига тақдим этилди. Тадбирда қурувчилар, архитекторлар, тадбиркорларнинг ўзи иштирок этиб, муаммоларни ўртага ташлади. Давлатимиз раҳбари кўтарилган масалаларнинг барчасига аниқ ечимлар берди.

Масалан, соҳадаги энг кўп учраётган муаммолардан бири қурилиш рухсат бериш тизими билан боғлиқ. Ўтган йили бош режа йўқлиги важи билан ериги хусусийлаштириш бўйича 112 минг аризанинг 14 фоизи, умумий ҳисобда эса қурилишга доир 2 миллион 600 мингдан зиёд аризанинг учдан бири рад этилгани, бу ҳолат ортида кўп ҳолларда коррупция ва ортқича бюрократик ғовлар тургани кўрсатиб ўтилди. Шу боис, қисқа вақтда соҳадаги рухсат бериш тартиб-таомилларини соддалаштириш, аризаларга инсон омилисиз, бир неча дақиқада онлайн жавоб берадиган тизимга ўтиш, рақамлаштириш ва сунъий интеллектни кенг жорий этиш вазифалари қўйилди.



Хозир аҳоли ва тадбиркорлар аввал лойиҳалашга рухсат олиб, кейин архитектура-режалаштириш топширигини ишлаб чиқиш учун алоҳида-алоҳида ариза беради ва бунинг учун оилаб вақт йўқотмоқда. Тошкент шаҳрида ўшбу икки хизматни бир бошқичда кўриб чиқиш таърибаси жорий этилган ва бу хўжатларни келиши муддатларини 3-4 қарра қисқартиряпти. Эндиликда мазкур таъриба шу йилнинг 1 нолидан бошлаб барча ҳудудларда жорий этилади.

Очиқ мулоқотда очилган муаммолар

Ҳар бир рақам ортида реал вазият турибди. Муаммо ва таклифлари эса бевосита соҳа вакиллари, тадбиркорларнинг ўзи ўртага ташлагани. Уларнинг кўпчилиги йиғилишда иштирок этиб, давлат раҳбарига ўзларини қийнаётган масалалар ҳақида гапирди, таклифларини билдирди.

Яъни бу галги видеоселектор йиғилиши жуда катта форматда, қурилиш соҳасидаги тадбиркорлар билан очик мулоқот тарзида ўтказилди. Унда жойлардаги студиялардан видеоолақа орқали 500 дан зиёд тадбиркор, қурувчи, лойиҳачи, архитектор ва урбанист иштирок этди. Кўпчилиги сўзга чиқиб, мулоқотнинг фаол иштирокчиси га айланди.

— Компаниямиз 2025 йилнинг ўзида 100 минг квадрат метрдан ортиқ турар ва нотурар биноларни ўз эгаларига топширди. 2026 йилда 200 минг квадрат метр уй-жой қуришни режа қилганмиз, — деди Тошкент шаҳридаги “Lux city house” корхонаси раҳбари Воҳид Мирзаев. — Давлатимиз раҳбари чет элдан юртдошларимизни Ўзбекистонга олиб келиб иш билан таъминлаш ҳақида кўп гапирди. Шундан келиб чиқиб, компаниямиз ўтган йилнинг ўзида хориждан келган 3 минг кишини иш билан таъминлаб, муносиб шартноларни яратиб берди. Жорий йилда бу кўрсаткични икки баробар ошириш ниятимиз бор.

Йиғилишда соҳа тадбиркорларининг муаммолари тингланб, уларга энг мақбул

ечимлар берилганини кўриб, ниҳоятда руҳланиб ўтирдик. Рухсат олишдаги қийинчиликларни бартараф этишдан тортиб, лизинг тизимидаги масалаларга ҳал этиш топшириги берилди. Ўзим ҳам йиғилишда бизни қийнаётган асосий масалалардан бири — хориждан олиб келинадиган техника учун тўланадиган бож тўловини камайтиришни сўрадим. Бу имтиёз кичик ва ўрта корхоналар учун ҳам қулай бўлиши, уларда катта қурилишлар қилиш имконияти ошишини айтдим. Қолаверса, чет элдан келадиган техника қанча арзон бўлса, қуриладиган объектлар таннархи ҳам шунча тушади.

Давлатимиз раҳбари тадбиркорнинг бу таклифи ўринли эканини билдириб, қўлаб-қувватлади. Тегилли ташкилотларга хориждан олиб келинадиган техника воситалари рўйхатини тайёрлаб, уларнинг бож тўловларини камайтириш бўйича топшириқ берди.

Маълумотларга кўра, 2017 йилда ҳам Президентимиз топшириги билан қурилиш ташкилотларига хориждан махсус техника олиб келиш бўйича имтиёз берилган. Натижада ўша даврда соҳада катта ўсиш кузатилиб, юртимизга қўлаб замонавий техника кириб келди. Энди тадбиркорларнинг таклифи билан бу имтиёз қайта қўлланилади.

Кўплаб масалалар ана шундай очик мулоқотлар, давлатимиз раҳбарининг тадбиркорларни доимий эшитиши, фикрларини қўлаб-қувватлаши ортидан ҳал этилаётгани ва бу халқимиз учун ҳам манфаатли бўлаётгани айна ҳақиқат. Шунинг учун юртимиздаги ҳар бир соҳа тадбиркори Президентимиз билан бўладиган шундай учрашувларини интиқлик билан кутди. Боиси, ҳар гал очик мулоқотдан сўнг халқимиз ва тадбиркорларни қувонтирадиган катта ташаббуслар илгари сурилиб, янги имтиёзлар амалиётга жорий этилади.

Наманганлик тадбиркор Қобил Турсунов ҳам очик мулоқотдан унумли фойдаланиб, давлатимиз раҳбарига ўз лойиҳалари, янги мақсадлари ҳақида гапирди. Соҳа вакиллариغا берилаётган янги имтиёزلардан руҳланганини айтиб, мавжуд имкониятлардан фойдаланган ҳолда Наманган шаҳрида қурилаётган “Янги Ўзбекистон” массивида қуришни режалаштирган 4800 та хонадонни йил охиригача 10 мингта қилиб топшириш ниятидалиги ва бунга Президентимизга кўрсатиш истагини ҳаяжон билан гапирди. Давлатимиз раҳбари эса тадбиркорнинг бу каби йирик лойиҳалари ва меҳнатларини эътироф этди.

— Биз, наманганлик тадбиркорлар доим давлатимиз раҳбарининг қўлаб-қувватловини ҳис қилиб тураемиз, — дейди “Toshbuloq invest group” ҳамда “Oguz city” компаниялари раҳбари Қобил Турсунов. — Бугун юртимизнинг энг чекка ҳудудларида ҳам қурилишлар кўлами, шиддати авжида. Булар ўз-ўзидан бўлаётгани йўқ. Имконият, шароит, муҳит бўлмаса, бундай катта бунёдкорликлар бўлиши қийин. Йиғилишда давлатимиз раҳбари соҳа вакиллариغا берилаётган энгилликлар ҳақида гапирганида янада қувондим. Масалан, аукцион орқали олиннадиган ер участкаларини бошлангич 15 фоиз тўловни амалга оширган ҳолда, қолган 85 фоизини фоизсиз бўлиб тўлаш имконияти яратилди. Авваллари бошлангичи 35 фоиз тўлаб, қолганига

14 фоиз устама тўланар эди. Фоизсиз бўлиб тўлаш маҳаллий тадбиркорлар учун ҳам, инвесторлар учун ҳам катта имконият. Бу ишбилармонларнинг молиявий юкларини энгиллаштириб, тежаб қолинган маблағни қурилиш ишлари ва ўз фаолиятини янада кенгайтиришга сарфлашига хизмат қилади. Тадбиркорлардан, аниққаса, қурилишга рухсат олиш тизимининг ниҳоятда мураккаблиги ва жараёндаги сансозликлар билан боғлиқ саволлар кўп тушгани кузатилади. Афсуски, кейинги йилларда бу масала қурувчилар, архитекторлар ва лойиҳачиларнинг асосий муаммосига айлангани яққол кўрилади. Тадбиркорларнинг айтишича, қурилишни бошлаш бўйича киритилган аризалар қонунчиликда белгиланган муддатларда кўриб чиқилмайди, аризмаган сабаблар билан рад этилади. Жойларда шаҳарсозлик кенгашига аъзо идоралар ўртасида ўзаро мулоқот ва ҳамкорлик йўқлиги ҳам сансозликнинг келтириб чиқарётган асосий муаммолардан бири.

Шу боис, йиғилишда мутасаддиларга қурилишга рухсат олишдан тортиб, объектни фойдаланишга топширишгача бўлган барча жараёнларни чуқур таҳлил қилиб, талаблар, муддатлар ва тўловларни камида икки баробар қисқартириш бўйича қарор лойиҳасини киритиш топширилди. Шаҳарсозлик кенгашига аъзо Тошкент шаҳри ва вилоят ҳокимларининг ўзи бошчилик қилиши, тадбиркорнинг масаласига ақуний ечим бериладиган тизим жорий этилиши белгиланди.

“Таклиф ва саволларимиз давлатимиз раҳбарига етиб борганидан қувондик”

Очиқ мулоқотни интернет ва ижтимоий тармоқлар орқали ҳам кўплаб тадбиркорлар қизғин кўзатиб борди. Нафақат қурувчилар, балки лойиҳачи, архитектор ва соҳанинг бошқа вакиллари йиғилиш бўйича фаол муносабатини билдирди. Ҳатто баъзилари ижтимоий тармоқлар орқали видеомурожаат қилиб, айна йиғилишда тадбиркорларни анчадан бери қийнаб келётган муаммолар ўртага ташлагани, улар билдирган таклифларга давлатимиз раҳбари томонидан ечимлар берилганини хурсандчилик билан гапирди. 20 йиллик таърибага эга архитектор Миродил Жамолов билан сўхбатлашганимизда, ҳаяжон ва таассуротлари ҳали кетмагани сезилди.

Миродил ЖАМОЛОВ, Тошкент шаҳридаги “Memorial Architectural Project” (MAP) компанияси раҳбари:



— Давлатимиз раҳбарининг қурилиш соҳасида фаолият юритаётган тадбиркорлар билан очик мулоқотини интернет тармоқлари орқали кузатишимиз ва жуда хурсанд бўлдим. Чунки йиғилишда кўтарилган аксарият масалалар ўзимиз — бизнес эгалари томонидан ўртага ташлангани, бевосита давлатимиз раҳбарига тақдим этилгани икки қарра қувонарли. Чунки соҳанинг ичида юрган одамлар бу муаммоларга кўпроқ дуч келади. Шу йилнинг 10 апрель куни Савдо-саноат палатаси ҳамда Урбанизация ва уй-жой бозорини барқарор ривожлантириш Миллий қўмитаси томонидан ўтказилган мулоқотда ана шундай оғриқли масалаларни ўртага ташлаганлик. Саволларимиз Президентимизга етказилиб, йиғилишда бевосита тадбиркорлар

билан таҳлил асосида муаммолар ечими берилганидан хурсанд бўлдик. Тўғриси, қурилиш соҳасида қийинчиликлар, камчиликлар етарлича. Айниқса, қурилишга рухсат олиш жараёнлари жуда кўп вақт олади. Аризани 12 тадан 20 гагача ташкилот кўриб чиқиб, ижобий ҳулоса берганидан кейингина рухсатнома берилади. Бизники каби компаниялар архитектура лойиҳаларини ишлаб чиққандан кейин уни шаҳарсозлик кенгаши тасдиқлаши учун ҳам 20 га яқин ташкилот кўриб чиқиши керак. Натичада шу жараёнинг ўзига 2-3 ой вақт кетиб қолади. Ваҳоланки, қонунчиликда ҳар бир жараённи кўриб чиқиш муддатлари белгиланган. Бироқ мутасадди ташкилотлар томонидан бу муддат талаблари бузилиб, лойиҳалар оилаб осилиб ётади. Бу тадбиркорнинг катта вақт ва маблағ йўқотилишига олиб келади, иш чўзилиб кетади.

Яна бир оғриқли муаммо мурожаатларнинг кўпинча очик қолдирилиши билан боғлиқ. Тўғриси, шу пайтгача жуда кўп масалаларда мутасадди ташкилотларга чиққанимизда, ҳеч қандай ечим берилмаган. Давлатимиз раҳбари тизимдаги кўплаб мурожаатлар салбий жавоб билан ёпилганини таъкидлагани бежиз эмас. Ваҳоланки, ҳамма қатори биз ҳам халқ учун ишлаймиз ва мурожаатларимиз шундай катта боғлиқ. Муаммолар эътиборсиз қолдирилиши эса нафақат соҳадagi, балки мамлакатдаги ривожланишларни орқасига тортиши мумкин. Чунки қурилиш соҳаси юртимиз иқтисодиётининг драйверига айланган. Бу нафақат иқтисодий самардорлик ва иш ўрни яратиш имкониятлари, балки мамлакатнинг шаҳарсозлик қиёфаси, архитектураси билан боғлиқ.

Бугун архитектор тадбиркор сифатида ана шу жараёнларда бевосита иштирок этаётганимдан қувонаман. Корхонамиз архитектура йўналишда лойиҳалаш, биноларни техник кўридан ўтказиш хизматларини кўрсатади. Йиллик савдо айланмаси 1 миллиард сўмдан юқори. Бизнинг асосий тамойилларимиз маданий ананаларнинг инновацион технологиялар билан уйғунлаштиришга қаратилган. Ҳар бир меъморий ечим маҳаллий қадриятларни чуқур ангашдан бошланади ва бу одамларни илҳомлантирадиган ноёб мезморий обидларнинг яратиш имконини беради.

Бугунга қадар юртимиз ва хориж давлатларида мингдан ортиқ лойиҳа, жумладан, тижорат ва турар жой объектлари қурилишини амалга оширдик. Юртимиз қурилиш соҳаси ривожланишида давлатимиз раҳбарига аниқ қўйиб берилади. Замонавий стандартлар эса биздан янги ҳа ҳудудларни талаб этмоқда. Масалан, кейинги йилларда қурилиш лойиҳалаштиришда нафақат эстетика ва тежамкорлик уйғунлиги, балки атроф-муҳитга зарар етказмаслик, экологик жиҳатлар ҳам муҳим талабга айланган. Шаҳарсозлик меъёрларига “яшил” ҳудудлар яратишга катта эътибор қаратишмоқда.

Яъни бугун қурилиш лойиҳаларини шунчаки яратиб бўлмайди, ҳар бир жиҳат аниқ кўрсатилиши керак. Бу эса архитектуранинг нафақат санъат, балки қурилишларнинг асосий қисмига айлантиради. Давлатимиз раҳбарининг тадбиркорлар билан очик мулоқотида кўплаб лойиҳачилар иштирок этгани боиси шунда.

Йиғилиш кузата туриб, юртимизда кўплаб соҳа вакиллари касб байрами борлиги, аммо архитекторлар нишонлайдиган алоҳида сана мавжуд эмаслиги хаёлимдан ўтди. Очиқ мулоқотда иштирок этганимда, давлатимиз раҳбарига ана шу таклифни билдирган бўлардим. Бу шаҳарлар қиёфасини яратишга ҳисса қўшаётган архитекторлар учун катта шараф ва рағбат бўлиб хизмат қилиши шубҳасиз.

Шундай қилиб, юртимизда қурилиш соҳасидаги тўпланиб қолган кўплаб муаммолар ўртага ташланиб, ечимлари берилади. Ана энди соҳа ривожини янги бошқича олиб чиқиш керак. Ҳар ҳолда тадбиркорлар оғриқли масалалардан қутулиб, янада шиддат билан ишлашга шайланган. Иш жараёнида кузатиладиган турли масалалар бўйича мутасаддиларга мурожаатлар эса доимий давом этади. Чунки соҳадagi барча муаммони бир вақтда узил-кесил ҳал этишнинг имкони йўқ, янги вазифалар билан бирга янги масалалар ҳам ўртага чиқаяради. Шунчаки уларни ҳал этишнинг тизимли механизми йўлга қўйилиши керак.

Ирода ТОШМАТОВА, “Янги Ўзбекистон” муҳбири

Замонавий ҳаёт тарзи, ахборот оқимининг кескин ортиши ва бошқа омиллар ёшлар ҳаётига бевосита таъсир кўрсатмоқда. Бу эса уларнинг бўш вақтини мазмунли ташкил этиш, соғлом турмуш тарзини шакллантириш ва ижтимоий фаоллигини оширишни тақозо этади. Айна шу жараёнда спорт алоҳида ўрин тутаяди.



Эркин ҚОДИРОВ, Ўзбекистон талабалар спорти ассоциацияси раиси ўринбосари

Бинобарин, спорт зарарли одатлардан асрайдиган самарали, табиий ва энг таъсирчан восита, мустаҳкам қалқондир. Яқинда Президентимиз раислигида жисмоний тарбия ва спорт соҳасини янги босқичга олиб чиқиш, аҳолини оммавий спортга кенг жалб этиш, селекция ва тайёрларлик тизимини такомиллаштириш масалаларига бағишлаб ўтказилган видеоселектор йиғилишида спортни ривожлантириш масаласи айнан ёшларни салбий иллатлардан ҳимоя қилиш, соғлом турмуш тарзини қарор топтириш ва жамият барқарорлигини таъминлашнинг муҳим омилли экани қайд этилди. Ушбу йиғилишда фақат мусобақалар ва натижалар билан чеклаб қўймасдан, спортни кенг маънода ижтимоий профилактика воситаси сифатида ривожлантириш зарурлиги алоҳида таъкидланди. Чунки спорт билан мунтазам шуғулланган ёш ҳеч қачон гиёҳвандлик, жиноятчилик ёки бошқа зарарли йўналишларга берилмайди, аксинча, ўз олдига мақсад қўйиб, унга эришишга интилади.

Бугунги кунда мамлакатимизда олимпия спорт турлари бўйича 26 та федерация фаолият юритаётгани ва уларнинг ҳар бирига вазирлар ҳамда йирик ташкилотлар раҳбарлари бириктирилгани спорт тизимини бошқаришда маъсулиятни кучайтирди. Вилоят ҳокимларининг ҳудудларда Президентнинг олимпия ҳаракатини ривожлантириш бўйича вакили этиб белгилангани эса самарадорликни оширишга қаратилган муҳим ва катта

қадам бўлди. Шу билан бирга, йиғилишда қайд этилганидек, мавжуд инфратузилма ва имкониятлардан тўлиқ фойдаланилмаётгани, айрим мутасаддилар томонидан спорт тизимидagi муассасалар билан етарли даражада ишланмаётгани натижасида эришилиши мумкин бўлган юқори кўрсаткичлар бой берилмаётгани таъкид қилинди, бу эса спортни ривожлантириш жараёнида маъсулиятни янада ошириш зарурлигини кўрсатди.

Таъридан спортнинг гиёҳвандликка қарши кучли қалқон эканини амалий жиҳатдан яққол исботламоқда. Чунки спорт ривожланган жойда ёшлар банд бўлади, ўз устида ишлади ва зарарли одатларга эҳтиёж сезмайди. Жумладан, Зарбдор туманида қисқа вақт ичида ўн минглаб ёшларнинг оммавий спортга жалб қилингани, янги спорт иншоотлари барпо этилгани ва бунинг натижасида ҳудуднинг республика миқёсидаги мусобақаларга мезонлик даражасига етгани спортнинг ижтимоий муаммоларини ҳал этишдаги кучини кўрсатади. Қашқадарё вилоятида тадбиркорлар томонидан катта маблағ эвазига спорт иншоотлари қурилгани эса давлат ва хусусий сектор ҳамкорлиги орқали ёшларни соғлом муҳитга жалб этиш мумкинлигини тасдиқлайди.

Айниқса, талабалик ёшларнинг ҳаётий қарорлар қабул қилаётгани энг муҳим босқич бўлиб, бу даврда уларни спортга жалб этиш гиёҳвандликка қарши энг самарали профилактика ҳисобланади. Термиз давлат университети мисолида минглаб талабаларини спортга жалб қилиш орқали халқаро даражада натижаларга эришиш мумкинлиги исботланган бўлса-да, айрим олий таълим муассасаларида талабалар жисмоний нормативларини бажара олмаётгани, спорт клублари фақат расмийлик учун фаолият юритаётгани жиддий муаммо. Шу сабабли барча олий таълим муассасаларида спортни ривожлантириш бўйича аниқ режалар ишлаб чиқиш, илгор тажрибаларни жорий этиш ва федерациялар билан ҳамкорликни кучайтириш зарур.

Ёшларни спортга жалб қилишда аънанавий мусобақаларнинг алоҳида ўрни буюр. Хусусан, “Баркамол авлод” спорт мусобақалари




Нуқтаи назар



орқали минглаб ёшлар спортга ошно бўлмоқда. “Талабалар лигаси” доирасида олий таълим муассасалари ўртасида турли спорт мусобақалари ўтказилаётгани самарасида соғлом рақобат муҳити шаклланиб, иқтидорли спортчилар аниқланмоқда. Янги босқич сифатида йўлга қўйилган “Янги Ўзбекистон талабалар олимпиадаси” эса нафақат спорт натижаларини ошириш, балки ёшларни спорт орқали бирлаштириш, жисмоний ва маънавий баркамоллигини таъминлашга хизмат қилмоқда. Ушбу тизимли ёндашув натижасида спорт талаба ёшлар ҳаётининг ажралмас қисмига айланыпти.

Спортни ривожлантириш орқали гиёҳвандликка қарши курашишда яна бир муҳим йўналиш спорт тиббиёти ва илмий ёндашувни кучайтиришдир. Чунки замонавий спорт юқори натижалар билан бирга спортчилар саломатлигини сақлаш, жароҳатларнинг олдини олиш ва тикланиш жараёнини илмий асосда ташкил этишни талаб қилади. Ҳозирги кунда спортчиларнинг бу борадаги кўплаб муаммолари хорижда ҳал этилаётгани маҳаллий тизимда етарли имкониятлар яратилмаганини кўрсатади. Шу босис, эндиликда тиббиёт марказлари ва спорт федерациялари ўртасида узвий ҳамкорлик йўлга қўйилиб, спортчилар саломатлиги мунтазам назорат қилинади. Бундан ташқари, спорт диетологияси, физиология ва психология каби йўналишларда мутахассислар тайёрлаш орқали спортни илмий асосда ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратишмоқда.

Жорий этилаётган “маҳалла — мактаб — спорт муассасаси — олийгоҳ” занжири



Муносабат

СОҒЛОМ ТУРМУШ ВОЛОНТЁРЛАРИ

Бугунги кунда спортни тор, ихтисослашган йўналиш деб бўлмайдми. Чунки спорт таъсир доирасини кенгайтириб, давлат сиёсатининг муҳим ва устувор йўналишига айланди.



Ваҳоб РЎЗИЕВ, Қашқадарё вилояти спорт бошқармаси бошлиғи

Йигирма биринчи асрда у бир вақтнинг ўзида бир неча стратегик функцияни бажармоқда. Хусусан, миллат саломамлигини мустаҳкамлаб, инсон капиталини шакллантирмоқда. Соғлиқни сақлаш тизимига тушадиган юкларни камайтирмоқда. Мамлакатнинг халқаро имижини юксалтириб, инфратузилмадан тортиб, спорт тиббиёти ҳамда хизматлар индустриясига ҳам бўлган ёндаш тармоқларни ривожлантириш орқали иқтисодий ўсish драйверига айланди.

Жаҳон таърибаси кўрсатмоқдаки, спорт жадал ривожланган давлатларда, аввало, халқаро нуфуз ошади, қолаверса, бир эмас, бир нечта соҳалар тараққий этади. Бунда гап фақат медалларга эмас, балки жамиятнинг тизимли трансформацияси, ҳаёт сифати ошиши ва меҳнат унумдорлиги ўсиши, ижтимоий барқарорлик мустаҳкамланишида. Айнан шундай ёндашув бугунги кунда дунёнинг етакчи мамлакатлари спорт сиёсатининг асосини ташкил этади.

Ўзбекистон учун ушбу йўналиш сўнги йиллардаги кенг қамровли ислохотлар жараёнида, айниқса, муҳим ва долзарб аҳамият касб этмоқда. Бурилиш нуқтаси сифатида 2017 йилни ёлга олиш ўрнили. Айни шу йилги бутун соҳани қамраб олган чўқур институционал трансформация жараёни бошлаб юборилди. Ушбу давргача мамлакат спорт тизими узоқ вақт давом этган турғунлик ҳолатида эди. Эскирган инфратузилма, аҳолини жисмоний фаолликка жалб этиш даражаси пастлиги, малакали мураббийлар етишмаслиги, илм-фаннинг машғулот жараёнига суст интеграцияси ҳамда замонавий бошқарув тизими йўқлиги кузатишган.

Амалда бу омилар тизимнинг парокча бўлишига олиб келди, у на оммавийликни, на юқори натижаларни таъминлай оларди. Болалар ва ўсмирлар спорти тарқоқ ҳолда фаолият юритган. Юқори даражадаги спортчиларни тайёрлаш эса халқаро рақобат талабларига жавоб бермасди.

Бундан тўққиз-ўн йил аввал спортда бошланган ислохотларга бир назар таштайлик. Давлат институтлари, федерациялар ва таълим тузилмалари ўртасида мувофиқлаштиришни таъминлаётган янги вертикал бошқарув тизими шакллантирилди.



Қисқа муддатда кенг қўламли инвестиция дастурлари амалга оширилди.

Мамлакат бўйлаб минглаб спорт иншоотлари — замонавий, кўп функцияли комплекслар, сузиш ҳавзалари, стадионлар, яккакураш ва жамоавий ўйин турларига ихтисослаштирилган заллар барпо этилди ва реконструкция қилинди.

Асосий янгиланишлар инфратузилманинг сони ва салмоғи ортиши билангина чекланиб қолмади. Спорт тор доирадаги профессионал машғулотлар доирасидан чиқиб, оммавий, ижтимоий жараёнга айланди. Мактаб ўқувчилардан тортиб, катталаргача бўлган барча ёш тоифаларини қамраб олишга қаратилган дастурлар ишга туширилди. Мунтазам жисмоний фаолият кундалик ҳаётнинг ажралмас қисми сифатида шаклланди.

Энг муҳими, бу жараён маҳаллалар даражасида йўлга қўйилди. Бутун тизимнинг пойдевори сифатида болалар ва ўсмирлар спортини ислох қилишга алоҳида эътибор қаратилди. Жумладан, спорт мактаблари ва тармоқлар кенгайтирилди, замонавий тайёрларлик стандартлари жорий этилди. Иқтидорлиларни эрта босқичда аниқлаш бўйича селекция ишлари кучайтирилди.

Бу эса миллий терма жамоаларга истиқболли спортчилар оқимини таъминлайдиган барқарор кадрларни тайёрлаш имконини берди. Тамомила янги элемент сифатида спорт илм-фанининг соҳага интеграцияси йўлга қўйилди. Мазкур трансформациянинг самараси аллақачон яққол кўринмоқда. Ўзбекистон жаҳон ареналарида ёрқин галабаларни кўлга киритаяпти.

Эндиликда мамлакатимизда спортни ривожлантиришга қаратилган ислохотлар қўлами янада кенгайди. Президентимиз томонидан имзоланган янги таҳрирдаги “Жисмоний тарбия ва спорт тўғрисида”ги қонунда бу йўналишда амалга оширилаётган давлат сиёсатининг ҳуқуқий асослари, жисмоний тарбия ва спорт давлат томонидан қўллаб-қувватланиши мустаҳкамлаб қўйилди.

Янги қонун амалдагисидан кескин фарқ қилади. Хусусан, унда аҳолини оммавий спортга жалб қилиш ва оммавий спорт тadbирларини тизимли ўтказиб бориш, спорт турларини эътироф этиш ва уларнинг реестрини юритиш тартиби такомиллаштирилмоқда.

Миллий олимпия ва паралимпия қўмитасининг ҳуқуқий мақоми ва ваколатлари, паралимпия, сурдлимпия, махсус олимпия ва кўзи оғир спортчи ҳаракатларига доир масалалар қонун даражасида белгиланган бўлади.

Спорт федерацияларининг ҳуқуқий мақоми, ҳуқуқ ва мажбуриятлари, уларни реестрга киритиш ва чиқариш мезонлари, спорт клублари ва спорт лигаларининг фаолият юритиш тартиби, мураббий, спорт ҳақами ва спорт агентининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари ҳам ўз ифодасини топди.

Президентимиз раислигида жорий йил 7 апрель кунги жисмоний тарбия ва спорт соҳасини янги босқичга олиб чиқиш, аҳолини оммавий спортга кенг жалб этиш, селекция ва тайёрларлик тизимини такомиллаштириш масалалари юзасидан ўтказилган

Эътироф

Цивилизациялар, янги давр, тараққиёт, энг аввало, инсон тафаккурида рўй берадиган ўзгаришлардан бошланган. Ана шундай зиёли қатлам кадр топган жамиятда эса қадриятлар қайта тартибланади. Кеча ақлга сизмаган ишлар бугун бутун жамиятнинг таянчига айланади. Айнан шу ички силжишлар кейинчалик катта ислохотлар номи билан тарихга киради. Худди шундай: янги Ўзбекистоннинг бугунги манзарасига синчиклаб назар солинса, унинг марказида баркамол авлодни тарбиялайдиган, шакллантирадиган, келажакка тайёрлайдиган маънавий тизимол — устоз сиймоси турганини англаш қийин эмас.



ЗАМОНАВИЙ ПЕДАГОГ ТИМСОЛИ

Хусусан, давлат сиёсати даражасида таълимга берилаётган эътибор айни жараёнинг аниқ ифодасидир. Давлатимиз раҳбарининг 2025 йили Бўстонлик туманига қилинган чопида — ўқитувчи ва мураббийлар билан мулоқоти асосида “Янги Ўзбекистонда энг муҳим соҳа — таълим, энг хурматли инсонлар — ўқитувчи ва мураббийлардир!” деган сўзларини бутун бир йўналишнинг моҳиятини очиб берувчи мезон, десак муболага бўлмайди. Сўнги саккиз йилда таълим ва илм-фан соҳасига ажратилган маблағнинг олти баробар ошиб, 378 триллон сўмга етгани ҳам шу ёндашувнинг рақамлардаги ифодасидир.

Замонавий ўқитувчи ҳақида гап кетганда, бугун тасаввуримизда ўзи ўргатаётган билимини аввал ҳаётда ҳис қилган, уни ўз таърибасидан ўтказиб, кейин бошқаларга узатаётган мураккаб ва серқирра шахс гавдаланади. Чунки бугунги давр билимини ёд олиш билан чекланмайди. У билимини англаш, амалда қўлай билиш, ундан янги йўللار очиниш талаб этади. Айни жараёнда ўқитувчининг тайёрларлиги, дунёқарashi, таърибаси ҳал қилувчи омилдир.



Шу сабабли ҳам замонавий педагог тимсоли икки йўналиш кесинган нуқтада шаклланади: бири — илм, иккинчиси — ҳаётнинг ўзи. Бундай ёндашув эса таълим жараёнини бирёқлама ахборот узатишдан чиқариб, жонли мулоқот, фикрлар тўқнашуви, изланиш ва кашфиётга айлантиради. Натижада ўқувчи тайёр жавобларни эмас, ўз саволларини топишни ўрганади. Демак, замон шиддат билан ўзгарар экан, билим ҳам янгиланади, ёндашувлар ўзгариб туради. Уларга мослаша олган устозгина шогирдининг эртанги кунга муносиб тайёрлай олади. Шу босис, бугунги педагог сиймосида бир вақтнинг ўзида олим, амалиётчи ва тарбиячи уйғунлашиши лозим. Бундай юқори савиядаги педагоглар эса дунё даражасида қадрланади, эътироф қозонади.

Сўзимизнинг яққол исботи Қозғистоннинг Остона шаҳрида бўлиб ўтган “МДХ”нинг энг яхши педагоги” халқаро танловидир. Аънанавий тарзда Қозғистон Миллий инновацион илмий-тадқиқот маркази томонидан ўтказиб келинадиган ушбу нуфузли мусобақада жорий йилда Ўзбекистон вакили, филология фанлари доктори Перхан Алламбергенова голиб деб топилди. Мазкур муваффақият мамлакатимиздаги


тизимли таълим ислохотларининг халқаро миқёсда тан олиншидир.

Президентимиз таълим тизимини янгилашда назария ва амалиётни бирлаштирган замонавий педагог тимсоли муҳимлигини таъкидлаб келади. Айнан шу мезон ўқитувчининг бутун фаолиятида тўлиқ мужассас, десак янглишмаймиз. Зеро, у “Аудиовизуал журналистика”, “Медиа мониторинг” каби қўламли намуналарни ёзишдан аввал “Ёшлар” телерадиоканалида муҳаррир сифатида ишлаган, Қоракалпоғистон телерадиокорпорациясига раҳбарлик қилган. Олима бугун талабаларга бераётган назарий билимларини амалиётда синовдан ўтказган. “Перхан Алламбергенова фақат назарий билимлар билан чекланиб қолган педагог эмас. У медиа соҳасида шаклланган, амалда ҳис қилган ва шу таърибани таълим жараёнига олиб кирган мутахассис”, дейди педагогнинг яқин ҳамкасблари.

Шу ўринда нозик жиҳатда эътибор қаратиш лозим. Ушбу ютуқни индивидуал муваффақият сифатида баҳолаш, асл қарорини тўла тушуниб етмаган бўлаемиз. Чунки бундай натижага олиб келган омиллар бир инсоннинг шахсий интилишлари билан чекланиб қолмайди, унинг ортида шаклланган муҳит, яратилган шароит, таълим тизимидagi изчил ўзгаришлар узлуksиз тарзда бир нуқтага йиғилганини англаш муҳим. Шу маънода, Остонада қўлга киритилган натижа аслида бугунги ўзбек ўқитувчисининг янги қиёфаси, имкониятлари ва салоҳиятини намоён этади.

“Устоз учун энг катта муқофот — шогирдлар ютуғи. Қолгани ўз-ўзидан келади”, дейди олима. Ҳақиқатан, ҳар қандай устознинг асл ўлчови у тарбиялаган шогирдлардир. Бутун Перхан Алламбергеновнинг юзлаб шогирдлари турли муассасаларда масъул лавозимларда фаолият юритмоқда. Илмий даражаларга эришиб, илм-фан тараққиёти йўлида хизмат қилипти. Шу маънода, педагогнинг муваффақияти бир инсоннинг эмас, йиллар давомида тизимли барпо этилган йўлнинг эътирофи этилишидир. Радиодан бошланиб, илм ва педагогика билан юксалган йўл бу. Зеро, устозлар қадаган маърифат ниҳоллари шогирдлар сиймосида давом этади, шогирдлар эканлар эса янги авлодларда мева беради. Орамиздаги шундай фидойий бобонларнинг борлиги янги Ўзбекистонимизнинг келажакги ишончли қўлларда эканидан дарак.

Барно БҮРОНОВА, филология фанлари бўйича фалсафа доктори, доцент



Адолат — шунчаки маҳкама залида ўқилган ҳукм эмас. У — устозларнинг хато қилган шогирди ҳимояси йўлида битган номаси. У — олимнинг асл маслағи, илм йўлига қайтиш аҳди. У — давлат раҳбарининг “Сенинг қадринг ҳар нарсадан улуг” дея ўз фуқаросини қаноти остига олиши. Улуг Навоий айтганидек, адолат ила обод олам фақат шу одамлар ва шу тизим орқали барпо этилади.

www.yuz.uz yuz.uznews yuz_official yuz.uz_news yuz.uz_news



Инсон қадри

АДЛ ИЛА ОЛАМ ЮЗИН ОБОД ҚИЛ



Олимжон ДАВЛАТОВ,
Ижтимоий-маънавий
тадқиқотлар институти
директори, профессор

Ўзбекистон мустақиллик йилларида бу ҳақиқатни ўз тажрибасида синаб кўрди. Янги Ўзбекистон даври адолат ва инсон қадрини тиклаш йўлидаги улкан синов ва катта натижаларни ўз ичига олади.

Адолатли жамият қурмоқ учун, аввало, ўтмишдаги хато ва камчиликларни тан олмақ, уларни тузатмоқ лозим. Шу маънода, Ўзбекистон суд тизимидаги ислохотлар, инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш борасидаги чора-тадбирлар, афв сиёсати ва кеңиримлиги тамойилларига таяниш шунчаки сиёсий қарорлар эмас, балки маънавий улутворлик инфодасидир. Зеро, фақат ўзига ишонган инсонгина кеңиримли, ўзига ишонган халқгина бағрикенг бўлади.

Бир умр — бир умид

2012 йилнинг авжи саратони. Ўша машғум, маҳзун кунлар Тошкент давлат шарқшунослик институтининг истеъодли аспиранти Шерзод Жўраевнинг умрини икки қисмга бўлиб юборди — “қамоқдан олдин” ва “қамоқдан кейин”. Яқин дўстим, ёш олим порахўрликда айбланиб, ҳибсга олинди. Тергов-суд ҳужжатларида ёзилишича, у бир йил олдин, яъни 2011 йил биринчи август кунини институт директори билан ўн минг доллар микдорда пул олиб, бир абитурентга имтиҳон пайти тарих фанидан тест саволларини ечиб берган.

Аслида, айблов ўта заиф пойдеворга қурилган эди. Аввало, ўша йили олий ўқув юртлига кириш имтиҳони ҳайит байрамига тўғри келгани сабабли 1 август эмас, балки 2 августда ўтказилгани ҳуқуқий жиҳатдан муҳим далил эди, яъни пора берилганига гувоҳлик қилиши кутилган санадан бир кун олдин имтиҳон ҳали бошланмаганди.

Яна бир муҳим ҳолат: проректорнинг “пора берилди” деб кўрсатилган хонаси ўша кунларда — 1 августда ва ундан икки кун илгари Миллий хавфсизлик хизмати томонидан муҳрланганди. Муҳрланган, қатъий назорат остидаги хонада ноқонуний олди-бердилар амалга ошиши мумкин эмаслиги кундек равшан-қу. Бироқ ўша даврнинг ҳуқуқий одатига кўра, суд, терговчи ва прокурор учун бу каби муҳим далиллар жила аҳамият касб этмасди. Топширик билан очилган жиноят иши сўзсиз бажарилиши лозим эди, мажбурият орқали олинган кўрсатма эса кишини қамоққа ташлаш учун кифоя ҳисобланарди.

Таҳлилларга қараганда, ўша йилларда судлов амалиётида мажбурий кўрсатма мустақил исбот воситаси баҳоланиб, унинг асосида кўплаб бейбўй фуқаролар жазо муассасаларига жўнатилган.

Шерзод Жўраев уч ярим йил умрини панжара ортида, симтикан деворлар ўртасида ўтказди. Уч ярим йил — шунчаки рақам эмас. Бу — ёш олим илмий карьерасининг тўхтатилган йиллари, фарзандлари яқинлик соғинчи, оила ва дўстлар назарида ор-номус деб аталган жавҳарнинг синиши...

Озодликка чиққан Шерзод Жўраев дунёдан буткул умидини узган эди. Узи ва фарзандлари келажагига ишончи сўнган, тафаккури пажмурда, қалби яраланган инсон сифатида жамиятга қайтди у. Дарвоқе, ёш олимнинг тақдирини “Биринчи август” (сценарий муаллифи — камина) бадиий фильмида муайян даражада кўрсатилган.

Янги Ўзбекистон шароитида бу ҳикоя бошқача яқун топди. Жадал судлов ислохотлари, ўтмишни холислик асосида тафтиш этиш сиёсати ва ҳуқуқий адолатни тиклаш механизмлари туфайли Шерзод Жўраев Олий судга мурожаат қилиш имкониятига эга бўлди. Иш қайта кўрилди ва у тўлиқ оқланди! Тергов-суд ҳужжатларида унга нисбат берилган барча айбловлар асоссизлиги тасдиқланди.

Бугун у илм-фан соҳасида яна фаол изланишлар қилаётган тадқиқотчи, XV аснинг буюк маърифатпарвар ҳукмдори Хусайн Бойқаро даврида кечган сиёсий ва маданий жараёнлар бўйича диссертация ҳимоя қилиш арафасида. Айримлар тухма тоши ёш олимни босиб-янчиб ташлайди деб ўйлаган бўлса ажаб эмас. Аммо инсоф адолат бўлхон тошини яқсон этиб, қадди дол бўлганларни алифбек рост қилмоққа қодир экан!

Шерзод Жўраевнинг иши ягона ҳолат эмас. Янги Ўзбекистонда Олий суд назорати тартибида минглаб ишлар қайта кўрилди. Суд ислохотлари бошланганидан буён юзлаб киши ноқонуний айблов тўғрисидаги хулоса асосида оқланди ёки жазоси камайитрилди. Бу рақамларнинг ҳар бири ортида Шерзод Жўраевники каби бир оила, бир умр, бир умид ётади.

Афвга вафо, ахдга садоқат

Адолат фақат тухматни фош этиш, бейбони озод қилишдан иборат эмас. Адолатнинг яна бир юксак намунаси янгилиш йўлига кирган, бежо қадам қўйган инсонни кеңириш, унга иккинчи имкон бериш ва жамиятга қайтаришдир. Яқин ўтмишда жиноят сифатида баҳоланган хатоларнинг айримлари ёш ва тажрибасизлик, баъзан ташқи таъсирлар туфайли юз берган. Шунда ҳам мутаносиб бўлмаган оғир жазолар қўлланган, кеңиримлилик эса иккинчи даражали ҳислат ҳисобланган.

2015-2016 йилларда интернетда “Абдуллох Нусрат” тахаллуси остида конституциявий тузумга оид ноқонуний ва номақбул битиклар, сиёсий-танқидий мақолалар тарқатилганлиги аниқланади. Тергов жараёнида маълум бўлишича, бу ишнинг ортида



Буюк мутафаккир Алишер Навоийнинг “Аدل ила олам юзин обод қил, Хулк ила олам элини шод қил” деган ҳикмати асрлар оша жаранглаб келмоқда. Адолат — фаровон жамиятнинг пойдевори, инсон кадр-қиммати ва ижтимоий тараққиётнинг асосий шarti. Тарих гувоҳлик берадики, адолат ҳукм сурган ўлкада халқ тўқис, фаровон яшайди, адолат поймол қилинган жойда эса ижтимоий зиддиятлар ва инқирозлар юз беради.



ёш навоийшунос олим Ақром Малик турган. Истеъодли, қобилияти, адабиётшунослик илмининг умидли вакили сифатида баҳоланган, мента шогирд мақомида бўлган бу йигит ташқи кучлар таъсирига тушиб қолган, ўзи тушуниб-тушунай нораво йўлга кириб кетган эди.

Ақром Малик суд ҳукмига мувофиқ, 6 йил муддатга озодликдан маҳрум этилди. Ўша давр мантисига кўра, бу жазо “ўта юшмоқ” деб ҳисобланиши мумкин эди. Бинобарин, сиёсий мотивдаги жиноятларда айбланганларга кўпинча анча оғирроқ жазо қўлланиларди.

2017 йили Ақром Малик Президентимизга муражаатнома йўллади.

“Иккари” ўша пайтлар жаҳаннамни эслатар эди. Инсон зотидан бирор ҳимоячиге бўлиши мумкин эмас эди бу маконларда. Ҳар қандай инсон изтироб ва кўзёшлар ила “Қамоқлар тириклар қабристонини экан!” деб юборар эди. Тушунлик тўла юраклардан ёруғ кунлар умиди шам каби учарди. Менда ҳам шундай бўлди...

Орадан бир йил ўтди. Ташқаридан кўнглимга таскин берувчи муҳаббат кела бошлади. Биз маҳкумларда ҳам тирикликка, ҳаётга умид уйёна борди. Чунки Сиз бошлаган сиёсатнинг экинлари қамоқхоналарга ҳам кириб борган эди. Жумладан, бирдан қамоқ ҳодимларида муомала ўзгарди, сиёсий-диний маҳкумлар гуруҳ-гуруҳ бўлиб озодликка чиқа бошладилар... Мен бу ишларда адолатпарвар инсоннинг қатъиятини кўрдим. Қамоқларда инсоний муҳит пайдо бўлгани, маҳкумлар ҳақларининг тиклангани Шавкат Мирзиёев сиёсатининг муҳим ғалабаси, юксак натижасидир!” деб ёзган эди Ақром Малик давлатимиз раҳбарига йўллаган муражаатномаларидан бирида.

Ёш олимнинг ички дунёси, ижодий салоҳияти ҳамда тарих, адабиёт соҳасидаги

тадқиқотларга қўшиб келаятган ҳиссасини яхши билган ҳамкасблар, устозлар ҳам қўл қовуштириб турмади. Бир гуруҳ олим ва ижодкорлар ёш тадқиқотчининг хатоси ва тавбасини кўрсатиб, унинг илмий салоҳиятини таъкидлаб, афв этилишини сўраб Президентимизга хат йўллади. Бу нома шу маънода диққатга сазовор: Ўзбекистон зиёлилари ёш авлод учун жавобгарлик туйғусини намоён этди, устозлар шогирдларини забун аҳволда ташлаб қўймади, илмий жамоатчилик ундан юз ўтирмади.

Ўзгараётган парадигма

Шерзод Жўраев ва Ақром Маликнинг кечмиши фарқи, албатта: бири тухма, иккинчиси ҳақиқий хато сабабли жабр кўрди. Аммо уларни боғлайдиган умумий ришта шунки, янги Ўзбекистоннинг одил сиёсати ҳар иккинсига ҳам олим ижодкор сифатида қайта ҳаёт бахш этди ва икковлон ҳам бу имконни ҳавога соғурмади.

Бундай мисоллар ўнлаб, балки юзлаб топилади. Кечаги кунга назар ташласак, турли сабаб-омилларга кўра ситам чеккан, ҳуқуқлари поймол этилган, имкониятлари тортиб олинган ватандошларимиз тақдирини кўз ўнгимизда намоён бўлади.

Улар ичда олимлар, ёзувчилар, журналистлар, оддий меҳнатқашлар, жамиятимизнинг барча қатлами вакиллари бор. Янги Ўзбекистон раҳбарияти уларнинг барчасига ёруғ ваъда берди, ойдин мужда йўллади: адолат тикланади, энди бари бошқача бўлади!..

Бу йўлда тизимли чора-тадбирлар кўрилди. Жиноят-процессуал кодексига киритилган ўзгарттиришлар, ҳибсга олиш ва қамоқда ушлаш тартибларига чекловлар, мажбурий кўрсатма олишга нисбатан қатъий тақиқлар — буларнинг барчаси ўтмиш хатоларининг такорланмаслиги учун қаролат яратди. Суд мустақиллигини мустаҳкамлаш, прокуратура ваколатларини тартибга солиш, қонун устуворлигига таянган демократик давлат қуришдек тамойиллар янги Ўзбекистоннинг ҳуқуқий кадрияти, ақидасига айланади.

Кеңиримлилик адолатнинг душмани эмас. Аксинча, чинакам адолат кеңиримлиликни тақозо этади. Хом сут эмган бандан ожиз мулғақ равишда адашувдан холи эмас. Одил жамият эса янгилишларни тарбиялаш ва роҳи ростга қайтариш йўлини таштади. Афсуски, яқин ўтмишда бу куч-вақолат суниестемол қилинди, жазолаш функцияси бот-бот истифода этилди, ислоҳа эмас, синдиришга ургу берилди. Янги Ўзбекистон бу парадигмани ўзгарттирмоқда, “Адоват эмас, адолат энгар” деган доно ёндашув ҳаётий тутумга айланмоқда.

Хўш, зулм, адолатсизлик жамиятда қандай акс садо беради? У, аввало, раиятнинг давлатга ишончига путур етказилади. Жамоавий хотира захарланади, навқирон авлодга кўзга кўринмас ижтимоий жароҳат мерос бўлиб ўтади. Одамлар ўзини ҳимоясиз, заиф ҳис этади. Бу эса

миллатнинг ботиний қуввати, ватансеварлик руҳиятини сўндиради.

Адолатнинг тикланиши ҳамisha жамиятнинг жипслаштиришга хизмат қилади. Дейлик, Шерзод Жўраевни оқлаш фақат бир оила ёки бир олим ҳаётидаги ўзгаришгина эмас. Бу барча олим фузалого қарага хитобдир: “Тизим сизларга адолатли муносабатда бўлишга қобил, қодир!”. Ақром Маликнинг афв этилиши эса янгилиш одим отган ёш авлодга йўланган мужда: “Хато қилсангиз, уни мардона тан олинг, самимий тавба қилинг ва ватан бағрига қайтинг!”.

Жамиятнинг жипслиги, бирдамлиги, руҳий саломатлиги кўп жиҳатдан шу каби сигналларга боғлиқ. Ишонч давлатнинг чиннидан нозик, сув ва ҳаводек зарур сармосидир. Уни пул, сарват билан сотиб олиб бўлмайди, у фақат адолатли амаллар орқали шаклланади. Таъбир жоиз бўлса, оқланган ҳар бир бегуноҳ фуқаро, афв этилган ҳар бир тавбакор — ишонч пойдеворида кўйилган бир гишт...

Давлатнинг тамали

Жаҳон файласуфлари “Биринчи муаллим” деб эъзозлаган Арасту адолатни бошқаларга нисбатан тўғри муносабатда бўлиш фазилати деб таърифлаган. Ҳазрат Навоий эса уни олам юзини обод қилувчи куч деб улуғлаган. Замоавий давлатшунослик нуқтаи назаридан баҳоланганда, адолат — ижтимоий шартнома пойдевори, фуқаролик жамиятининг ҳаётий асоси. Бу уч манба — антик фалсафа, мумтоз шеърят ва замоавий давлат илми яқдил, муштгарк хулоса бермоқда: адолатсиз давлат узоқ умр кўрмайди, бундай жамиятда инсон ҳатто ўз ватанида ўғай бўлиб қолади.

Президентимиз “Янги Ўзбекистон” концепцияси орқали адолатни амалий сиёсатининг ўзгаи, давлатнинг тамалига айланттирди. Судлов ислохотлари, инсон ҳуқуқлари институти, жамоатчилик назорати механизмлари — барчаси инсон манфаатлари, ҳақ-ҳуқуқларини тўлиқ рўёбга чиқаришга йўналтирилган.

Биз қаламга олган икки инсон тақдирини — янги Ўзбекистонда адолатли тизим нишлатганининг ёрқин исботидир. Уларнинг кечмиши юртимизда ҳуқуқий ва маънавий ислохотлар нақадар реал ва ҳаётий эканини кўрсатади. Биз — олимлар, зиёлилар, жамоатчилик вакиллари бу эзгу йўлни қўллаб-қувватлашимиз, натижаларини кенг жамоатчиликка етказишимиз ва ислохотларга имкон қадар ҳисса қўшишимиз лозим, албатта.

Мақола дебючасида Алишер Навоийнинг адолат бобидаги ҳикматини эйр қилган эдик. Аслида, адолат тамойили ҳазрат ижодининг ўқтомирини ташкил этади. Навоийнинг адолат ҳақидаги байту ҳикматлари бугун ҳам ўз мазмунини йўқотмаган, эҳтимом, ҳеч қачон бутгунчал қолдириб аҳамият касб этмаган. Чунки биз нафақат сўзда, балки юракларда, ҳаётимизда адолат тантана қилаётган бир даврсиза яшаётимиз.

Шерзод Жўраев XV асрда Хуросон ўлкасини фозил одамлар маконига айланттирган Хусайн Бойқаро даврини тадқиқ этаятган. Ақром Малик эса адолат ва инсонпарварлик ғояларини кўйловчи буюк Навоий меросини ўрганаётгани бежиз эмас. Икки йўл ҳам бир фикрга етаклайди: янги Ўзбекистон ўзининг буюк гуманистик аъналарига қайтмоқда!

Адолат — шунчаки маҳкама залида ўқилган ҳукм эмас. У — устозларнинг хато қилган шогирди ҳимояси йўлида битган номаси. У — олимнинг асл маслағи, илм йўлига қайтиш аҳди. У — давлат раҳбарининг “Сенинг қадринг ҳар нарсадан улуг” дея ўз фуқаросини қаноти остига олиши. Улуг Навоий айтганидек, адолат ила обод олам фақат шу одамлар ва шу тизим орқали барпо этилади. Не бахти, биз ана шу йўлдамиз. Бу йўлдан қайтмасликка умид ва ишонччилик ҳамisha пойдевор бўлғай!

